



ВАТАН ТИМСОЛЛАРИ



ШОФЁРЛАР СУЛОЛАСИ

Пайгамбар ёшани қаршилаш арафасида турган Самиг ака Холиқовнинг ҳамон қўллари рулда, кузлари эса йулда.

Самиг аканинг оталари Қосим ота аслида ўз даврининг донгдор аравақашларидан бўлиб, Тошкент вилоятидаги Йулдош Охунбобоев жамоа ҳужалигида ишни аравақашликдан бошлаб, жамоа ҳужалигига келган янги тракторлардан бирини ҳайдаб, атрофдагиларни лол қолдирган киши бўлган.

Жамоа ҳужалигига янги олинган юк машинасини биринчилардан бўлиб бошқарган, бутун уруш даврида шофёрлик қилган.

Қосим ота уруш тугагач, она юртига қайтиб, Йулдош Охунбобоев жамоа ҳужалигида шофёр бўлиб ишлаган. Уша кезлари «Нечта фарзанд курсам, ҳаммасини шофёрлик-

ка ўқитаман» — деб орзу қилган.

Ниятини қарангки, Қосим отанинг тўрт фарзандлари ҳозирги кунда шофёр. Отанинг тўрт ўғил ва бир қизлари бор. Ҳаммаси ҳам уйли-жойли.

Тўнғич ўғил Самиг ака Холиқов ота касби-шофёрликни қирқ йилдан бери адо этиб келмоқда. Иккинчи ўғил Эркинжон йигирма беш йилдан буён моҳир ҳайдовчи. Турғунжон, Гайбуллажон ҳам акалари сингари шофёр.

Самиг аканинг ҳам тўрт ўғил ва бир қизлари бор. Буни қарангки, Қосим ота орзу қилганларидек, Самиг аканинг фарзандлари — тўрт ўғил Дониёр, Рустам, Собир, Шўрат ҳаммо кувалари ҳам шофёр эканлигига нима дейсиз?

Қосим ота кулолмаган бундай шофёрлар сулоласини, роҳатини Ну-

ри момо кўрди. Нури момо саксон ёшдан ошган ҳозирги кунда пойтахтимишнинг Собир Раҳимов туманидаги «Қуш-тут» маҳалласида истиқомат қиладилар. Шофёр на-биралари Нури момонинг дуоларини олиб юришибди.

Дарвоқе, ҳозирги кунда 3-автоҳўжаликка қарашли 85-йўналишдаги автобуслардан бирини бошқараётган Самиг ака Холиқов қирқ йил шофёрчиликда бенуқсон ишлаб, эл-юрт ҳурматига сазовор. Фаарида опа эса ҳамшираликдан нафақага чиққан. Етти набирага меҳрибон буви.

Самиг аканинг набиралари ҳам, худо хоҳласа оилавий сулолани давом эттирадилар.

С. САИДМУРОДОВ.
Суратни М. Мирсодиқов
туширган

ЎШБҮ
СОҲДА

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ
— БАХТИМИЗ —
ТАХТИМИЗДИР

2

БОЛАНГИЗГА
ЭРТАК
АЙТАСИЗМИ?

3

РЕДАКЦИЯГА
ҚЎНҒИРОҚЛАРДАН
БИРИ...

4-5

ОНАЖОНИМНИ
ЭСЛАСАМ...

4-5

ТИРНОҚ ҲАМ
БИР МЎҶИЗА

6

ҚАРМОҚҚА
ИЛИНИШДИ

7

ҲАЗИЛ
ҚИЛМАЙ
МАН ЎЛАЙ

8

ЎШБҮ
СОҲДА

Шу кунинг нафаси

Оилавий муҳит, ота-онанинг дунёқараши, фикрлаш доираси — фарзандлар камолотини, уларнинг жамиятдаги мавқеини белгилайди.

Истиқлолнинг илк кунларидаёқ юртбошимиз, ҳукуматимиз илгари сураётган дастурлар ва бу улкан режаларни фидокорона амалга ошираётган халқимизнинг савий-ҳаракати тўғрисида иқтисодий муваффақиятларга эришмоқдамиз.

1997 йил — «Инсон манфаатлари йили», 1998 йил — «Оила йили» деб эълон қилинишида катта ижтимоий маъно бор. Чунки — инсон уз ҳақ-ҳуқуқларини англамай, оилани ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан мустақамламай туриб демократик жамият негизини яратиб бўлмайди.

Раҳбаримиз: «Бирон бир раҳбарнинг ағаллаб турган лавозимига лойиқ ва ҳолийқ эканини биз айнан шу нуктадан назардан, яъни шаҳар ва қишлоқ, туманларнинг ижтимоий қиёфаси, оилаларнинг турмуш тарзи қандай ўзгараётганига қараб баҳолаймиз» — деб таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг «Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қароридида қандай этилганидек, ватанимизда, халқимизда, мустақил фидоқдорлик, масалаларни оғли равишда масъулият билан ҳал қила оладиган, изланувчан, янгилликка интилувчи ва истиқлол юлларига садоқатли авлод — аввало оилада камол толади.

Амалга оширилган ва ошириладиган тадбирларга

ОИЛА — КЕЛАЖАКНИНГ ЎСТИВОРИ

танкидий нуктадан назар билан баҳо бериш ва мавжуд муаммоларни оқилона ҳал этиш келажақнинг мева-сидир.

Фарзанд тарбиясида бадий адабиётнинг, матбуотнинг туган мавқеи, аҳамияти ҳечқисмидир.

Болалигимизда бувиларимиз сузлаб берган эрталар, кучуқлик давримизда ёзувчи ва шоирлар билан бўлган учрашувлар, очик мулоқотлар хотирламизда бир умир муҳридан қолди, маънавиятимизни янада бой-тади.

Назаримизда, зиёлиларимизнинг, ёзувчи ва шоирларнинг, санъаткорларнинг аҳоли билан учрашувлари, мулоқотлари яна қайта тиклаш вақти келди.

Ижоди, саломати ва иқтидор билан эл назарига тушган адиб ва олимлар туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда, халқ орасида бугунги ҳаётимиз, ҳукуматимиз олиб бораётган демократик ўзгаришлар, иқтисод-лари ҳақидаги мулоқотлар уларнинг маънавий самарасини бериши табиий.

Ешларимизда гарб маданиятига, санъатига илҳомлан-дан эканликлари сир эмас. Улар гарб филмларини, қў-шқилари ва қўшқичларини яхши билишадди.

Биз катталар ҳам бўлган Европа давлатларидаги турмуш маданияти ҳақида ижобий фикрда бўламиз.

Аммо, ҳаётдан маданиятнинг досяи — Осиё, таъбир жоиз бўлса «Маънавий чинорининг» илдизлари Тўр-он-заминдан оқиб олаётганини ҳеч қачон унутмаслигимиз, фарзандларимизни худди мана шу асрий маърифатлар руҳида тарбиялашимизга мазкур Қарор ижобий туртки бўлади.

Маънавий ва маърифий ва тарғибот ишларини ўрг-нувчи «Мулоқот» жамоатчилиги кенгаш тугизилгани, ун-га халқ иззат-ҳурматида сазовор инсонлар аъзо бўлган-лиги нур устига аъло мурдир.

Бугунги кунда ҳо оилада бўлсин, ҳо жамиятда бўл-син, қар биримиз турмуш тарзимизни ислох қилиш фўр-сати келди.

Президентимиз таъкидлаганидек, турмушимиздаги «...хунук ҳолларни тугатиш пайти етди. Уларнинг вази-фасини ҳалол бажарувчи ва ишининг моҳиятини яхши би-лувчи, қобилияти, тадбиркор ва фидоий мутахассис ва раҳбарлар ажор олма билан ошқор мўлоқотда бўлиш-лари зарур. Бундан уларнинг ўзи ҳам, жамият ҳам, дав-лат ҳам манфаатдор бўлиши мўқарр».

Музаффар МИРЗО

МИНГ МИСОЛДАН БИР МИСОЛ

Мен бундан 25 йил му-қаддам ишлаган жойим «Тошкент чинни буюмлари қорхона»-сида асосан ерли халқ узбеклар ишлар эди.

Шундай бўлишига қара-май, барча йигиллишлар урс тилида бошланиб, урс тилида тугатилар эди. Ёзув-лар, қорхонадаги барча эълонлар фақат урс тили-да бўлади.

Чинни буюмларга зарҳал сузлар билан ёзилган «Янги йилнингиз билан», «8 март», «23 феврал», «Октя-бр галабаси» каби уёл сузлар миллионлаб чинни-ларга фақат оталар тилида ёзиллиб, кўчқилиш асабини бузишдан нари ўтмас эди. Бу уша давр сивасини акс эттириш билан бирга тари-химиздаги доғлардан бери-дир.

Президентимиз И.КАРИ-МОВ бир гуруҳ тарихчи олимлар, ёзувчилар ва мат-буот вакиллари билан бўл-ган учрашувда бизга сохта эмас, тарихий ҳаққонийлик зарурлиги ҳақида кўйичиб: «Тарихи бут халқнинг кела-

жаги ҳам бут бўлади» де-ган эдилар.

Зеро, 1350 даража ис-сиқликда пиширилган олов-да ёнмайдиган, сувда юзқилимайдиган чинчи буюм-ларимиз келажақ авлод учун тарих бўлиб қолиши шўбақис.

Бу бутун бизнинг ҳажон халқларига олдида фахрланганимизга асос бўл-гулик ҳақиқат.

Мен ишлаган ўша кезла-ри ва ундан кейин ҳам чинчилардан қўлаб ёдгор-лик буюмлари ишлаб чиқ-рилган эдию, бироқ миллий томонига сира ҳам эътибор берилмас эди. Илоҳи бори-ча қадриятларимиз оёқ ос-ти қилинар эди. Ўша да-врда «кўчқилиш учун чиқ-рилган «Гури Амар» кўло-нига ягона миллий чин-ни бўлган эди. Уни мосқал-лик рассом иختиро қилган бўлиб, ёзувизга катта муқо-фот олганини, кечагидек қўлуғим остида жаранглаб турибди.

Саидмурод
САИДАҲМАД

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ - БАҲТИМИЗ - ТАҲТИМИЗДИР

1. Ватанимиз мустақиллиги сизнинг шахсий ҳаётингиз, оилангиз, қон-қариndoшларингиз тақдирини қандай аҳамият касб этди?
2. Утган етти йил давомида мамлакатимиз микёсида, оилангиз доирасида юз берган қайси ўзгаришларни алоҳида қайд этишни истардингиз?
3. Ватан иқболи — истиқболни ҳақида ўйларкансиз ҳаётингиздан нелар кечади?



яшасин дея исмини Ислонбек атади. Юртимиз келажаги ёшларимиз қўлида бўлади. Шунинг учун янги очилган фир-мани неварамизнинг номига қўйдик.

Ховли қўраётган эдик, фирмани уша жойда ташкил эт-дик. Атрофиди бог яратдик. Богли юртинг қўкси тоғ бў-лади. Балки қўнайтиришга мўлжалланган ҳовуз чор-атроф-га сулимлик бахшида этиб турибди. Бу ерда отахонлар чойхонаси, новвойлик, тўқувчилик, этиқдўзлик ва келин-кув-ларга мўлжалланган «Бахт ўйи» ишлаб турибди. Тўқувчилик ҳечимизда эллик нафар хотин-қизлар меҳнат қилади. Эли-мизда уқуқлиб кетилган зардуқлик ҳунарим ҳам қайта тик-ладик. Бунинг учун Бўҳорода — дўстлар ҳўзурда, қизим-у келинларим билан бирга икки ой яшаб қадимий санъатни ўргандик.

2. Утган етти йил давомида ҳаётимизда ўзгаришлар катта бўлди. Тадбиркор авл сифатида элга танилдим. Йигирма беш йил муаллима бўлиб ишладим. Тил-арабиёт фанидан дарс бердим. Аслини олганда ҳозир ҳам муаллимман. Кишогимиз ёшларига турли хил ҳунарларни ўргатилган. Шу йиллар ўғлим Тошкент Давлат Политехника уни-верситетини тугатиб келди. Эндиликда конфетлар ишлаб чиқ-радик ва мевани қайта ишлайдиган минизавод қуришни ташкил этиш ҳаракатида юртимиз. Агар у ишга тушса, ки-шогимизнинг яна қўпгина ийигит-қизлари иш билан таъмин-ланади. Катта ўғлим билан келиним Хиёвад бўғалтери я кур-сида ўқиб келишди. Фирмамизнинг ҳисобсисни ҳам узишим-дан бўлганича миқд етсин.

Қизларим ўзим каби ўқувчи, бўш пайларда зарду-қлик билан шўғулланишди. Ҳозир кишлоқнинг қўпгина қиз-ларига бу борада ҳам устозлик қилимоқдалар.

3. Истиқлол ўзбеки ўзига-бекилигига қайтарди. Ана шу бекилиги — ўзига тўқлиги абадий бўлсин. «Ислонбек» боғи-даги хилма-хил меваларга тишимиз текканда, кишлоғимиз-нинг кексаларига, қўп болали оилаларига тарқатдим. Пре-зидентимизнинг дастлабки фармонларидан бири қишлоқ ахлига ер, томорқа бериш ҳақида бўлган эди. Бу сивас-тақадар турли бўлганигини кишлоғимиз ҳаётини қузғата-мишди, мева-чевага бой, тўқин-сончи дастурхонини қура-нишда, яна бир бор амин бўламиз, шўқроқлар айтаман.

Кувончи КАРИМОВА

Хоразм вилояти Янгиарик туманидаги
«Ислон» хусусий фирмаси бошлиғи

Сўровнома



1. Мен оддий

қишлоқ аҳлиман Суягим меҳнатда қотган. Мана на-фақа ёшга ақин-лашиб қолсам ҳам қўлим ишдан бошим ташвишдан бўшаганча йўқ. Нолитганимдан эмас, шўқур қи-лаётганимдан айтяпман. Аслида ҳаёт шуниси би-лан қизик: меҳнат инсон турмушига қўрқ бағишлайди, мазмун бахш эт-ди. «Меҳнатдан келса бойлик, тур-муш булар чиройлик», деган нақл бежиз айтилмаган. Бунда қиммат қўл, Билсангиз, бу дунёда дардсиз ке-сак бўлиб яшашдан ёмони йўқ.

Мен халқимиз учун буюк неъмат ҳисобланган ис-тиқлолни, жуда-жуда қадрлайман. Лекин бу муқаддас туйғун баландларов сузлардан қўра амалий ишда кўпроқ ҳис этаман.

2. Утган етти йил ўзгаришга бой бўлди. Мамла-катимизда ишбилармонлик ва тадбиркорликка кенг йул очилди. Бу соҳадаги кишиларга катта имкониятлар яратилгани алоҳида тахсинга лойиқ. Биз ҳам давр талабига қўра олиб аъзоларимиз билан дехкон-фермер ҳўжалигини ташкил этдик. Ўйлаб қарасак, узишимизда шундай иш юритиш учун имкониятлар етарли экан. Беш йилдирки, мустақил фаолият қўрсатиб келяпмиз. Қарамогимизда 50 бош қўрамоқ, икки бош от мав-жуд. Шахсий тегирмон ва техника воситаларимиз бор. Узишимизга ажратиб берилган 8 гектар ердан унумли фойдаланамиз. Пахта, бугдой, бедани алмашлаб экиш ҳисобига мўл ҳосил олаётимиз. Даромадимиз ҳам чакки эмас. Биргина утган йилда 600 минг сум соф-даромад қилдик. Бу маблагини бир қисмини хайрия ишларига сарфладик. «Болғали» ва «Хонимқўрган» қиш-лоқ аҳолиси учун ҳар йили 10 минг сумлик моддий ёрдам пули ажратмоқдамиз. Жамоа ҳўжалигини спорт анжумари билан таъминлашга ҳам оъми-қўпми ўз-улушимизни қўшиб келяпмиз. Ишқилиб, эл-юрта қу-лимиздан қалганча ердам қўрсатамиз. Меҳр-мурув-ватимизни яъмаёмиз.

Истиқлолдан кейинги йилларда оиламизда қўвончи-қўнлар қўп бўлди. Вилоятда «Тадбиркор аёллар» бўйича ўтказилган танловда биринчи ўрин бизга насиб этди. Қ-тор неваралар қўрдик. Ҳозир ўрта келиндар 4 та нева-рамиз бор. Ҳўллас, қўндан-қўнга турмушимиз фаровон-лашиб, ҳаётимиз гузаллашиб бораётти.

3. Албатта, ҳар бир нарсанинг ўтмиши ва бугу-нишда ташқил келажаги ҳақида ҳам ўйлаш керак. Ке-лажақ эса бугундан бошланади. Мамлакатимизда амал-га оширилган кенг қўламадаги ислохотлар, суъзси, унинг истиқболни порлоқ эканидан дарак бериб туриб-ди. Мен бунга сира шак-шўбха қилимаман.

Озода БУТАЕВА,

Қашқадарё вилояти, Яққабод туманидаги
«Болғали» дехкон-фермер ҳўжалиғи бошлиғи

БОЛАЛАРНИ АСРАШ



Тошкентдаги «Бо-зор кўникмалари маркази»да ўтказил-ган матбуот конфе-ренцияси ана шу мавзуга бағишланди. Буюк Британия давла-тининг «Болаларни асраш» халқаро жамғар-маси томонидан ўюштирилган ўшбу анжуман-да Болалар ҳўқуқлари тўғрисидаги Конвен-цияга доир масалалар ҳўсусида ўзаро фикр алмашилди.

— Конвенция шунчаки қўрқ қоғоз эмас, балки тарихий ҳўжжатдир. Юксак аҳамиятга молик бу ҳўжжатга қўпгина давлатлар имзо чеккан. Демак уни бажаришлари шарт. Бола-лар ҳақ-ҳўқуқларини ҳўйма қилишининг энг са-марали усули эса ҳамкорликда иш олиб бо-ришдир. Агарда ҳаммамиз ҳамжиҳатлик би-лан, фаолиятимизни мувофиқлашган ҳўлда иш олиб борсак, Конвенцияда қўзланган мақ-садга эришимиз аниқ, — дея таъкидлаш-ди Буюк Британия мамлакатининг «Болалар-ни асраш» халқаро жамғармаси вакиллари. Шунингдек улар журналистларни қизиқтир-ган қўплаб саволларга жавоб қайтарилди.

К. МИРЗО

ШУНДАЙ БИР ОИЛА БОР

Охангарон шаҳрида йн-гирмадан ортиқ маҳалла мавжуд. Жумладан, бизни-нг «Бўстон» маҳалламизда 575 та хонадон бўлиб 2175 нафар аҳоли яшайди. Ма-ҳалламизда қўп миллий ои-лалардан иборат. Улар би-ри-бирлари билан аҳил-ноқ, тўй-томошлар, турли-туман ийгин, маросимларга фаол иштирок этишадди. Маҳал-ла мизда яшовчи фўқроқларнинг деярли ҳаммаси ҳам пас-порт режимида тулик риоя қилишадди. Улар аниқ турар-жўйларига эга, аҳоли сонини рўйхатида ҳисобга олинган. Асосий диққат — эътиборни қўп болалик, кам таъминлан-ган, яқса-елуш оилаларга моддий ёрдам қўрсатишга қар-атавлядик. Шунингдек, мустақиллигимизнинг етти йилги байрами арафасида турли хил тадбирлар ўтказишга қизгин таййирлиқ ишларини олиб бораёпмиз.

Яқинда Ангрн шаҳрида «Энг намунали оила-ларни-нг Республика қўриқ-танлови учун беллашуви бўлиб ўт-ди. Бу беллашуvida Тошкент, Қўбрай, Оққўрган, Парке-ти туманлари ҳамда Охангарон, Янгиёул, Ангрн шаҳ-ридаги ибратли оилалар иштирок этишлар. Беллашувдан мақсад, фақат қўлибикни аниқлаш эмас, балки наму-нали оилаларнинг ишларини омдалаштиришдан иборат-дир. Вилоятда қўлиб бел топишган, маҳалламизда яшовчи Хўдоевров оиласи эндиликда Республика қўриқ-танло-vida қатнашиш ҳўққини қўлга киритди. Кези келганда бу оила ҳақида икки оғиз суз. Хўдоевровлар оиласининг бошқаларга ибратли томонлари қўп Бўни энг аввало фарзандлар камалида қўриш мўмкин. Оилада турт ўғил ва икки қиз ўсиб-ўлғайди. Улар уйли-жўйли бўлиб, ҳаёт-да ўз урғини топиб кетишган. Турли соҳаларда хўзмет қилишадди. Тўнғич фарзанд Неъматқўриқовуви, Абду-қўмжон шаҳар маданият ўли директори, Салимқўриқов-фокор, Абдуқўриқов-хўқўқўсуно, Қўлаби билан Шўира-лар ҳам ўз касбининг жўнқўрларидир. Оилабоши Бў-виниса ая йигирмадан ортиқ невара ва чеваранинг суқо-ли моноси. Бир суз билан айтганда, Хўдоевровлар ои-ласини Республика микёсида ўтказиладиган қўриқ танлов-да қатнашиш бағтига сазовор бўлиш бежиз эмас. Ма-ҳалламизда шўнга ўшаган оилалар қўпаяверсин.

Н. АҲМДЖОНОВА,
Охангарон шаҳар, Бўстон маҳалласи кўпчибаси

ИНТИЗОМ — БОШ МЕЗОН

Интизом — муваффақиятлар гарови, ютуқлар омилидир. Тартиб-интизом мустаҳкам урнатилган жойдан кут-баракат аримайди. Ишда ривож, суръатда авж бўлиши табиий. Айниқса, ҳарбий соҳада жиддий тартиб-интизом зарур.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга қаратилган қўра тadbирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилингандан кейин тегишли вазирликлар, идоралар, муассасалар зиммасига масъулиятли вазифалар бериқтилди. Улар мазкур фармонни амалга ошириш учун узларининг режа ва дастурларини ишлаб чиқдилар. Шу аснода иш олиб бориб, маълум натижаларга ҳам эришдилар.

Республика хотин-қизлар қўмитаси қошида ҳам ушбу фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида доимий фаолият қўрсатувчи комиссия тўзилган. Мазкур комиссияга бир қатор нуфузли давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари жалб этилган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳозирги бозор муносабатларига утиш даврининг қийинчиликлари ҳарбий соҳага ҳам уз тасирини қўрсатмоқда. Натижада баъзи муаммолар юзасига келаяпти. Уларни ҳал этишда бевосита кенг жамоатчилик ёрдамига таяниш, жамоат ташкилотлари имкониятларидан фойдаланиш кузда тутилаяпти.

Доимий фаолият қўрсатувчи комиссиянинг ҳаракатдаги дастурида ҳарбий қисмларнинг аҳоли билан яқиндан танишиш, бу соҳадаги муаммоларни урганиб, уларнинг ечимини топишда кумаклашиш, ҳарбий хизматчилар билан урчушувлар, давра суҳбатлари ташкил этиш, таълим

муассасаларида, маҳаллаларда ҳарбий хизматга чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари уртасида тadbирлар ўтказиш, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва улар уртасида турли курик-танловлар ўтказиш каби қатор вазифалар назарда тутилган.

Яқинда мазкур комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлди. Унда утган ярим йиллик фаолиятига ҳолисона баҳо берилди. Комиссия аъзоларининг ҳисоботлари тингланган. узаро фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Биз келгусида «Аскарларнинг ҳуқуқлари» мазусида семинар ўтказишни режалаштирдик, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова қилинган ишлар юзасидан ахборот беракчан. Бу семинарни ўтказиш бўйича амалдаги қўнунлар мониторингинг институти билан маслаҳатлашиб олдик. Яна бир фикрим, ҳарбий хизматни адо этаятган баъзи ёшларнинг билимдонлик даражасини етарли деб бўлмади. Уларни билимдон ва баркамол бўлиб етиштиларининг чорасини қўрсатмоқчи эдим.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси кўпгина хайрия тadbирларининг ҳарбий қисмларда ўтказиш, фарзандлари ҳарбий хизматни ўтаётган кўп болали оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам қўрсатиш, ҳарбий хизматни ўтаб келган ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор бермоқда.

Маълумки, бугунги кунда ҳарбий хизматдан бош тортаётган ёшлар ҳам йўқ эмас. Гарчи оз бўлса-да, шундайларнинг борлиги ачинарлидир. Айрим ёшларнинг қўлида чакирув қоғози бўла туриб ота-оналари ёрдамида яшириниб ёки қочиб юришади. Баъзи


ФАРМОН ВА ИЖРО

шифокорлар томонидан эса, ота-оналар илтимосига қўра, ҳар хил йўллар билан болаларни ҳарбий хизматдан олиб қолиш каби салбий иллатлар ҳам мавжуд. Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун энг аввало оилаларда маънавий муҳитни кўтариш, ота-оналарнинг бола тарбиясидаги масъулиятини ошириш, мутасадди ходимларнинг ўз вазифаларини суиистеъмол қилишларига йўл қўймаслик лозим. Бу борада жойларда хотин-қизлар қўмиталари, «Маҳалла», «Қамолот», «Нуроний» жамғармалари, ҳокимларнинг мудоффа ишлари бўйича бўлим мутасаддилари ва халқ таълими бўлимлари ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

Ҳарбий қисмларда йиғилиб қолган баъзи муаммоларни ҳал этишда доимий фаолият қўрсатувчи комиссиянинг ёрдами катта бўлмоқда. Биз «Нуроний», «Маҳалла», «Қамолот» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» маркази билан келишган ҳолда режа тўзганмиз, шунга асосан, ҳар ҳафтада ҳарбий бўлимларда бўлиб, олдий аскарлар уртасида урчушувлар, суҳбатлар, савол-жавоблар ўтказаяпмиз. Бунинг натижаси жуда яхши бўлаяпти. — деди Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари Қўмондонлиги вакили.

Доимий фаолият қўрсатувчи комиссия узининг фаолияти давомида олдий аскарлар уртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ва маданий ишларни янада тақомиллаштириш мақсадида Президент ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиш академиясида урта бўғин командирларининг бир ойлик ўқишини ташкил этиш юзасидан қатор тadbирларни амалга оширди.

Саёҳат ИБРОҲИМОВА,
Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси бош мухтасисси



Қовун пишди...

Акс садо

«КҮНГЛИДА ТИНЧИ БЎЛСИН АЁЛНИНГ»

(«Оила ва жамият», 29-сон.)

Ассалому алайкум, «Оила ва жамият» газетаси бош муҳаррири!

Газетангизни орзиқиб кутаман. Бугун душанба, бугун се-шанба, тонг отса чоршанба... деб тонг отиши билан киоска югураман. Авваломбор сизларга минг раҳмат. Одамлар дардида маълум бўлиб, қулоқ тўтиб, диққат-эътибор берганингларга раҳмат.

Қуни кеча (29 сон 28 июль) «Кунглида тинчи бўлсин аёлнинг...» мақоласи қўлимга қалам олишга ундади. Бир вақтлари қаердадир ўқиган эдим. Уруш даврида ёш келин-қувв чимилдиққа киришган, тонг отганда қўвни урушга олиб кетган. Қувв урушдан қайтмаган. Орадан 40 йил ўтиб муҳбир уша (келинча, ҳозирда) момо билан суҳбатлашибди:

— Энажон, ростини айтинг, амакимларни соғинасизми? Қанча яшагандис?

— Қўйсангчи болам, уяттирмагин. Шу қафтимни юзимга 40 йил босиб ётдим. Шу қўлимни қўлига олиб хайрлашган эди-да, — дебди.

Энди мақолага қайтсак, синглимиз анча ҳис-туйғуларга берилувчан экан. Бу ҳаммаси уткинчи ҳою-хавасдир. Балки чин севидир. Нима қилганда ҳам узини қўлга олиб фарзандлар келахажини уйлаши керак. Наслдан-наслга сурмаслик учун ҳам, авлодга иснод келтирмаслик учун ҳам тақдирга тан бериб «у» одамни унуттишга ҳаракат қилиш керак. Оғирлик ҳаммиса аёл кишига тушади. Эри билан яшасан ҳам, эрсиз яшасан ҳам. Қўлидан бир иш келмайдиган, яримта эракни ҳам «пир» дейишади ҳадис китобларда. Биз аёллар фарзандларимиз учун нималар қилмаймиз. Тунларни уйқусиз ўтказамиз, емай едирамиз, киймай кийдирамиз, бўйига гул улчаб ўстирамиз. Ўз роҳат-фарогатимиздан кечамиз. Эҳ-ҳе, кунглига қарасак кунгил нималарни ис-тамайди? Ахир уша синглимизнинг эрини ҳам яхши хислатлари бордирки, турт фарзанд орттирган. Йўқса, болаларни қўлайтирмас эди. Энди, бир силлиқроқ эракни қўриб, унинг илик гапларига учиб, эридан фазилат эмас, нўсон кидириш енгилтаклик. Узи ҳам эрига нисбатан совуқ-сон, лоқайда ухшайди. Бегона эракка қилинган мулозаматни узининг эрига қўлса (эри ҳам инсон-ку) меҳр қўргизар. Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин. Ях-шисини ошириб, ёмонини яшириш керак.

Юқорида тилга олинган уруш давридаги ёшгина келин-чакнинг ҳам ёшлигида кимдир истаган, суйган, ўзига муносиб жойлардан чиққандир. Келинчақда садоқат, вафо кучли эканки, шу қафтимга қафтини қўйган, ҳамон қафтимда қафтини ҳарорати бу деб, 40 йил қафтини юзига босиб ётган.

Мен бир аёлни биламан. Эри бадавлат аёлни кетидан кетган. Аёли бечора 3 бола билан қолди. Жуда-жуда қийна-лишарди. Баъзан ейтишга нонлари бўлмай қоларди. Болалари еярман-ичарман ёш эди. Йўқчилик жуда эзиб юборган эди. Шунда бир қўшни аёл қибди:

— Бизга қўшилинг, фалончи-пистончи билан юрсангиз, сизни ҳар доим қўлайди. Еганингиз олдинда, емаганингиз орқада. Бир йил юрсангиз оstonангиз тилло бўлиб кетади. Мана мени эрим бўлса ҳам, мен юраман ушалар билан ҳеч ким билмайди. Шу тақинчоқларимни, шу кийим-ке-чакларимни «ушалар» олиб беради, — дебди. Шунда аёл:

— Болаларимнинг отасизлиги бир зарба бўлса, энди она-си бузук деб иккинчи зарбани қандай кутаришади, иккинчи бу гапни гапирманг, — деб қўшни аёлни қувиб чиқарибди.

Орадан 15 йил ўтди. Қўшни аёл бедарак йўқолди, ном-нишонсиз. Болалари — 2 та ўғил эди, узаг юртларга бош олиб кетди. Эри бошқа аёлга уйланиб олди.

Болаларини қийналиб вояга етказган аёл эса роҳат-фарогатда яшаяпти. Болалар топармон-тутармон. Бу йил ҳаж сафаридан қайтди. Эри эса ногирон бўлиб қолган, бадавлат аёл ҳайдаб юборди. Қўбил фарзандлар эса отасига ҳам алоҳида хона ажратиб, хизматига одам ёллаб қўйишди...

Холида МИРСАЛИМОВА

ФИКР

Ранг-баранг уст-бошда лов-лов товланиб, кучани тўлдириб юрган йиғит-қизларга қараб ҳавасингиз келаядими, яна уйланиб қоласиз.

— Инсон фақат кийим кийиш учун, ейиш-ичиш учунгина яшаш керакми?

Болангизга эртак айтайсизми? — деб катталарга савол берсангиз, ҳаммадан турлича жавоб оласиз-ку, эртак билдирган ота-оналарни кам учратасиз. Нега? Сабаби... бунга жавоб топиш қийин.

Бувимнинг айтишларига қара-

Ие, узи китоб ўқимаган одам фарзандига нимани сузлаб беради-ку, китоб ўқишга қандай қизиқтиради. Нима учун болаларимиз китоб ўқишдан қўра телевизор, видео қўришга қўпроқ қизиқшади?

Нима учун зўрга узини маж-бурлаб «2» баҳо олмаслик учунгина дарсликни арақлайдилар? Нима учун? Сабаби... Бунга ҳам жавоб топиш қийин.

Биз катталар китоб ўқиб, газе-та, журнал арақламаз эканмиз болаларимиз қавқдан ҳам қизиқ-син китоб ўқишга.

Ишдан ҳориб-чарчаб келамиз, телевизорнинг қўлогини бураемиз. Яхшимиз-ёмонимиз, кераклими-керак-синимиз, қўриб утираверамиз. Атро-

Ота ишдан келиб китоб ўқи-са, боласини сузлаб берса, албатта, шу бола кутубхонага, ха-ишонаверинг кино ё видеоба-рага эмас кутубхонага чопса ке-рак. Ҳозир катталар бепарво, ло-қайд бўлгани учун болалар ҳам жуда дангаса, умуман китобга қизиқишмайди. Балки шунинг учундир видеоба-ра, дискобарлар ёшлар билан тула ҳаётни фа-қат уйин қўлдан иборат, деб уйлаб озгина қийинчилик, озги-на жонини қийнаб пул топиш-дан, йиғитларимиз эса Ватан ҳимоясидек шарафли бурчдан қўриқшади.

Узи китоб ўқимаган ота-она болаларига қавқдан ҳам эртак сузлаб берсин. Балки сузлаб

БОЛАНГИЗГА ЭРТАК АЙТАСИЗМИ?

ганда, илгари радио, телевизор, видео деган нарсалар бўлмаган экан.

Оталари (оналари) ёшликлари-да оламдан ўтган) кенгча та-риқчилик қилиб (катта завод раҳ-барли бўлганлар) кечқурун бола-ларига қўрьон сураларидан, ҳа-дислардан, ривоят, ҳикматлардан ўқиб бера-р эканлар. Узлари раҳ-бар бўлсалар ҳам жуда кўп ки-тоб ўқир эканлар.

Улар кечқурун пахта чигитлаб ўтириб қўрьон сураларидан ёд олишар, маъза қилиб эрталар эшитишар экан. Е гийбат, е би-ровга ҳасад, ёмонлик деган нарсалар эсларига ҳам келмас экан. Ҳозир бувим 70 га киради-лар. Ҳар доим бизга, набирала-рига уша ёшликларидан эшитган ривоят, ҳикоят ва ҳадислардан бизга сузлаб берадилар. Узлари ҳам китоб ўқийдилар. Қўрьондан, ҳадис ва ҳикматлардан ўқиб бе-радилар...

Энди ҳозирги ёш ота-оналар тирикчилик баҳона бозорима-бозор югуриб, бирни икки қиламан деб, нима қилсам, қандай қил-сам қўпроқ пул топаман деб қайғуради-ю, арзиманг пулга китоб сотиб олиб фарзандларига ўқиб беришга вақт топа ол-майдилар.

фимизда эса болалар ҳам бепар-во, лоқайд ҳолда телевизорга ти-клиб утираверади.

Қасбим кутубхоначи бўлгани учун ҳам уйлаб қўламанда, нима учун катталар китоб ўқимайди. Кутубхонадан жудам кўп, уларни-нг китоб фондиди хилма-хил, жуда бой. Биргина узим ишлаган ку-тубхонам фондиди 25 минг нўса-га китоб бўлиб, фаннинг ҳамма соҳаларига оид китоблар бор. Қани уни олиб ўқийдиган одамлар? Қани, лоқал бир марта арақлаб қурадиган олихажноб инсон? Йўқ! Ишонаверинг йўқ! Фақат талаба ёшлар, мактаб ўқувчиларини ҳи-собга олмасак, катталар, айниқ-са ҳаммиса бола тарбияси билан машғул бўлган тарбиячилар-у муҳ-тарам аонажонлар, оиланинг таянчи улкан тоғи бўлган оталар нега китоб ўқимайди? Нега? Ҳа, билдим бозор шароитидир.

Йўқ! Менимча йўқ! Тарбиячи ўқитувчилар ўз соҳаларини турли энциклопедия, лугатлар билан бойитиб, бориши учун кўп-кўп да-рсликлардан ташқари китоб ўқи-са ўқувчиларга шундай китоблар борлигини айтиб, тавсия қилса, шу ўқувчи албатта китоб ўқиса керак.

**Муқаррамхон
Маъруфжон қизи**

Чоршанбадан чоршанбагача

РЕДАКЦИЯГА ҚЎНФИРОҚЛАРДАН

— Яхшимисизлар... Опа, узингизмисиз? — дейди ёш аёл овози.

«Кунгида тинчи бўлсин аёлнинг» мақоласига фикрлар билдирсам, дегандим... Ёзиб юборайми ё телефонда айтиб қўя қолсам ҳам бўлади-ми? — Аёлнинг ёнида ёш боласи ҳам бор шекилли, овози, хархашаси эшитилиб турибди. Ёш бола билан бир жойга бориб келиш албатта осонмас. Шунинг учун мен:

— Майли, айтақолингчи, — дейман...

— Уша мақолангиздаги аёл энди ҳаётининг бу ёғини болаларига бағишласин. Болалари ҳақида уйлаб, болалари учун яшасин. Аёл кишининг меҳр-муҳаббатига бола туққанидан сунг бутунлай фарзандига ўтади. Мен ҳар ҳолда шундай уйлайман. Энди ўша эркакни тамоман унутсин. Фикру ҳавлини ўй-жойи, бола-чақасига қаратсин...

— Ёшингиз нечада

синглим?

— 22 даман... — Биласизми уша аёл ҳам шуни хошлайди, лекин бу иш сира қўлидан келмагани учун маслаҳат беришлар, даяпти... да...

— Ҳаммаси ҳали ўтиб кетади... Вақт ўтганга турмуши ҳам ўз изига тушади. Ҳозир фақат сабр-қаноат қилиши керак...

— Узингиз ёшгина экансиз-у, гапларингиз худди ярим аср яшаб қўйган одамникига ўхшайди-я...

— Э, менинг ҳам бошимдан нелар ўтмади, дейсиз?

— Ие, ҳали нимани қўриб қўйибсиз?

— Мен ҳам неча мартаб сизларга бормоқчи бўлганман... Лекин ҳудуга шукр ҳаммаси ўтиб кетди. Мана ўғилчам бор, оилам тинч...

— Нима булганди?

— Гапираверсам вақтингизни олиб қўймаймани?

— Гапираверинг қулогим сизда...

— Қишлоғимизда бир йигит билан севи-

шиб аҳд-паймон қилишгандик. У ҳарбий хизматга кетганди қайтишни соату дақиқалар санаб интиқ бўлиб кутганман. Лекин қайтиганидан сунг ўзгариб, мендан узоқлашиб қолганини сездим. Яна шуни ҳам сездимки, мени қурса қочадиган ҳам бўлиб қолди, феъли-атвори ўзгарганининг маъносини кейин тушундим. У ҳали ҳарбий хизматда вақтидаёқ уйидагилар бошқа бир қиз билан фотиҳа туини ҳам ўтказиб бўлишган экан.

— Сизларнинг узаро муносабатингиздан унинг уйидагилар беҳармиди?

— Девордармиён ҳовлиларда яшасак-да, оилавий шарт-шароитлар жихатидан ўрта-мишда катта фарқ бор эди. Улар узига тўқ, бадавлат хонадон, бизлар эса камбағалгина... Хуллас улар бизни назарларига олишмади шекилли... Мен бу гапдан унинг никоҳ тўйига 5 кун қолганида огоҳ бўлдим. Биласизми, бутун дунё қўз олдим-

да қоронғи тунга айлангандек бўлди. 5 кунни қандай ўтказганимни билмайман. Назаримда мен шу кунлар ичида яшамадим, йўқ, худдики бир тош ёки кесакка айландим-қолдим. Ва қарнай-сурнай овози варанглаб, юрагимни ўртаб, мени ер билан аксон қилиб тўй оқшоми ҳам келди... Тўйхонада бўлаётган ҳамма қий-чувлар, қийқириқлар, қўшиқ-у олкишлар қўлогимни қар қилиб қўйгандек бўлди. Мен у-бу нарзаларимни сумкамга жойлашдириб гарангиз қоронғу кўчага чиқиб кетдим. Ҳеч ким билмай қолди. «Кучага чиқсанг бўлди, йўлнинг ўзи манзилга етказиб қўяди», — деган гап бор. Тошкентга кетадиган поездга илсиниб олдим... Лекин уша кеча поездда... Бир йигит билан танишиб қолдим. Уша кеча мен ҳамма нарсасга тайёр эдим. Уш ҳаётим мен учун мисоли писта пучоғига айланганди. Мен нима бўлса ҳам юрак огригидан халос

бўлишни истардим.

«Нега маҳзунсиз, нега буначалар афтодаҳолсиз», дея суроқлади у. Мен бирон қимсандин худди шундай меҳрибончилигига зор-интиқ эдим уша онлар... Йигит кузимга дунёдаги энг меҳрибон инсонга ўхшаб қуринди. Йиглаб-сиқтаб, тулиб-тошлиб унга бошимдан ўтган савдо-синаотларни сузлаб бердим... Йўлакай манзил-масканларига етиб келган йўловчилар хайрлашиб, биз иккимизни купеда ёлғиз қолдириб тушиб кетишди. Ана ушанда...

Катта Тошкентнинг оппоқ тоғига мен бутунлай бошқа одамга айланиб кириб бордим. Бу сеҳрли, сирли шаҳарда ёлғиз эдим. Бу ерда мени ҳеч ким қўчоқ очиб кутиб олмади. Ҳеч кимга керагим ҳам йўқ эди. Таниган-билганим уша тўнги ҳамроҳим эди. Яширмайман, у менга маълум муддат йўлдош ва йўлбошловчилик қилди. Ишга жойлашшим, бошлана топишимда ёнимда турди. Лекин

дустлигимиз узоққа чўзилмади. Қўрдики мен унга ҳаддан зиёд суяниб қолаяман, фикрини очик айтди: «Мен оилали, бола-чақали одамман, аҳолимини тушунишга ҳаракат қил. Энди бу ёғига мени тинч қўй...»

Мен ҳаётимда иккинчи марта қўқилганимни тушундим. Уша эркакдан хафа бўлиб ҳам юрмадим. Кунгидаги гапини очик-ойдин айтди. Мен қанчалар севган, зор-интизор кутган йигитдан бир марҳамат қўрмадим-у, бу одамдан нени ҳам қўтишим мумкин эди? У менга ҳеч қандай ваъда бермаган бўлса, ёниб-ёниб муҳаббат изҳор қилмаган бўлса, менинг ўзим ҳам у деганда жондан кечар даражага етмаган бўлсам? Ҳалим қўлидан келган ёрдамини берди-ку. Яна мен ҳеч ким мен учун бахт-саодат яратиб бермаслигини, бу ҳаётдаги борлигим ва йўқлигим, топмисиз-йўқотмисиз ўзимга боғлиқлигини тушундим. Ҳаёт енгил-

Арзи ҳол

ЭРКАКНИНГ ИШИ ЭМАС

«Эр-хотин қўш ҳукиз» дейдилар. Шундай бўлгач улар рўзгор деб аталмиш «арава»ни баробар тортишлари керак. Яхши-ёмон кунларда бир-бирларига таянчу-суянчиқ бўлишлари шарт. Бир ёстиққа бош қўйишдан қўзланган аёл мақсад ҳам шу. Эр-хотин ўртасидаги меҳр-муҳаббат, ҳурмат-иззат, қадр-қиммат туфайли оила мустаҳкам бўлади. Афсуски, ҳар доим ҳам ана шундай инсоний фазилатларга амал қилинавермайдилар. Бошқача қилиб айтганда, одам тузаверади, тақдир эса бузаверади. Тахририятимизга келган бир мактубни ўқиб шундай фикр юритишга жазм этмоқдамиз.

«Мен икки йилдирки бетебман, тушакка михланиб қолганман. Иккита фарзандим бор. Ўғлим билан онамникида яшаймиз. Қизим эса турмуш ўртоғимникида туради. Оиламизнинг парокандаликка учрашишига менинг саломатлигимни ёмонлашуви сабаб бўлди, деса ҳам қўймайман. Эрим Илҳом Эшматов менинг соғайиб кетишимга қўзи етмади шекилли, ажралиш учун туман судига ариза берди. Мен бунга қаршилик билдирдим. Болаларимни тирик етим бўлиб қолишни хошламадим. Эрим эса бошқа бир аёлга ўйланиб олди. Ҳозир у билан бирга яшайпти, Мени келинлик уйимдан ҳайдаб чиқариб юборди. Шу-шу онамникида турибман. Турмуш ўртоғим менга ҳам, фарзандларимга ҳам ҳеч қандай моддий ёрдам қўрмади. Мени таажублантирган нарсаси шуки, қўнларимизда хотин устига хотин олган эркаклар учун ҳазо белгиланмаганлигидир. Ахир эрим менга етказган моддий ва маънавий зарарлари учун ўз жазосини олиши керак эмасми? Ана шу масалада менга ёрдам берсанглар».

Ушбу мактубни тахририятимизга Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги Навруз жамоа ҳўжаллигига яшовчи Б. Ражабова йўллаган. Мундоқ уйлаб қўрсак, бу мактубда кўтарилган масала уша жойининг ўзида ҳал этилса бўлади. Оилавий моҳирлар энг аввало, эр-хотин ўртасида келишилгани маъқуллар. Нари бурса қариндош-уруғ, кўни-қўшини аралашгани дуруст. Қолаверса, маҳалла-қўй, қишлоқ фуқаролари йингини, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари Б. Ражабованинг тахририятимизга юборган ушбу хатига ўз фикр мўноса-батларини билдирсалар ёмон бўлмасди. Кейин яна бир гап. Касалманд аёли бўлса-да, устига устак бошқа хотинга ўйланиб олишлик эркакнинг иши эмас.

Комил ТОШМИРЗАЕВ

ОНАЖОНИМНИ

ҳам мардонавор енгилар экан.

Эзнинг айна қизиган ойида, саратон қирган паллада қишлоқда урим бошланар экан. Уруш бошланган йилдаги уримга бутун қишлоқ аҳолиси қатнашибди. Ҳаммининг ҳам тилаги фақат тезроқ уруш тугаб, йигитларимиз эсон-омон бағримизга қайтишин деб, эрта-кеч меҳнат қилишар экан. Урим пайтида ёш-яланглар хирмон бошида тунаб қолишар, эрта саҳар туриб офтоб кутарилиб қизитган даврга қадар ишлашаркан. Кечки пайт эса ёшлар чарчоқни ҳам унутишиб,

рқ этмас, то йиқилгунча талабгорлар тақлим этилаверар экан. Шундай қилиб онам унга ақин дугонасини йиқитибди. Энди даврга чиқишга унча-бунча дугоналарининг юраклари дов бермабди. Шунда ҳакамлик ролини бажарётган бригадир даврга йигитлардан тақлим этибди. Йигит деганларимиз ҳам 14—15 ёшда бўлиб онамни синфдошлари экан. Йигитларнинг ҳам иккитасини йиқитибди. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди, бу полвон қизимга тенг келадиган йўқ экан, энди дам олинглар болаларим. Эртага иш роса қизгин

қурганман. Онамни катта акасининг бир ўғли бўлиб, тўғма қар ва соқов эди. Ота-онаси ёшлтида олиб кетган, кичик тоғамнинг қарамоғида эди. Мендан 2—3 ёш катта бўлиб, худо уни қўлоқ-тирдан қисгани билан бошқа тарафдан куч билан бирга ақл-идроқ ҳам ато қилган эди. Шу тоғавачам фақат мен билан уйнар, қиладиган ишларимиз ҳам уйнайдиган уйинимиз ҳам бирга-ўртада эди. Мен билан уйнашининг яна бир сабаби, биз ёшлтигиздан, гудаклигимиздан бирга ўсиб, бирга ўлгайдик. Шундан бўлса керак тоғавачам иккаламиз имо-ишора билан соғ одамлардай «гаплашар», бир-биримизни жуда яхши тушунар эдик. Билмаганлар бегоналар иккиси ҳам гўнг экан дейишар, билганлар эса, ҳа тоға-жиянлар дейишар эди. Таржимонлик қилиш ҳам менинг зимманда эди. Қишлоқнинг мана-ман деган зўр болалари ҳам, мен билан уйлашиб мўомала қилар, агар бирор чигаллик чиқиб қолса тоғам ўзи зўрлар билан ҳисоб-китоб қилиб қўяр эди. Қўнлардан бир кун тоғам иккимиз онамни қўрқитмоқчи бўлди. Уйин сценарийсини тоғам иккимиз шундай тўздик. Мен тараққа чиқиб чўмчўк поланини оламан деб, тарақдан йиқилиб тушадиган бўлдим, тоғам эса онамга хабар бергани борадиган бўлди. Келишганимиздек тарақ олдида қўзилиб ётибман, тоғам уйга қараб кетди. Икки қўзим ҳовли томонда, ётган жойимда қараб ётибман. Бир маҳал, тоғам билан онам ичкаридан

«Қўнларнинг бирида...» конкурсига

кенг давра қуришиб, ҳар қилиб уйнашар, маъшала атрофида рақсга тушишиб улан, лапарай айтишар экан.

Қўнлардан бир кун қариялар ёш йигитчаларни курашга туширишибди. Давра кенгайгандан-кенгайиб, курашга қизиқувчилар даврга келиб қўзилаверибди. Қизлар ҳам, бир чеккада тўп бўлишиб, бу қизиқарли уйинни қўзатишиб туришган экан. Курашга тушувчилар ҳам талабгорлар ҳам қамайиб қолган пайтда, даврабоши ана энди навбат қизларимизга деб қўлибди. Қишлоқ қизлари чапани содда эмасми, қўярда-қўймай онам билан бир дугонасини даврга тортишибди. Қизлар аввалига бироз ҳайқириб туришибди-да, кейин эса қизиш ҳақиқий курашга тушиб кетишибди. Онам дугонасини йиқитибди. Йиқитган голиб даврани та-

булади, деб кексалардан бири даврга ақун ясабди. Уша воқеадан кейин онам Барчиной «полвон қиз» деган ном олибди. Ҳали-ҳамон қўз олдимдан кетмайдилар, олтиминчани йилларнинг ўрталари эди чамамда, дадам нарвонга чиқиб икки ярим, ўч метрлар баланликда уйимизни сувоқ қилар, онам эса пастда дадамга пақирда лой олиб бериб турар эди.

Нима бўлдию нарвон дадам билан бирга, бир тарафга қараб оға бошлади. Дадамнинг оёғи тоғиб кетиб қарши тарафга ўчиб тушди. Шунда нима бўлди дег, онам чаққонлик қилиб дадамни ерга туширмасдан илиб олди. Агар онам узини йўқотиб, нима қиларини билмай қолганида, дадам уйилиб ётган гишт-тошларнинг устига қўлаб бирор жойи лат ёйиши аниқ эди. Буни мен уш кузим билан

БИРИ...

елпи эрмак эмаслигига ҳам иккор бўлдим. Бу катта шаҳарда, бу чиройли шаҳарда уз-узими тугиб олмасам, йўқолиб қолишим, тунтарилиб йўқолишим ҳеч гап эмаслигини тан олдим-у, қаддимни тик тутдим.

— Эрингиз билан қандай танишиб олдингиз?

— Ишлаётган жойимда, бошқа бир бўлимда масъул вазифада ишлар экан. Ҳол-аҳволимдан ишхонамиз қоровули — катта ёшдаги аёл

ол-чи, сенга тугри келарми-кан? Уни мен неча ун йиллардан бери биламан. Турмушдан сира-сира ёлчимади. Хотини нукул жанжалу туполон кўтариб келарди, охири ажрашиб қўтилди. Энди буйдоқ, Эркакка қаров керак — уйланмаса бўлмайди», — деди.

Опа гапиряпти-ю, мен бош қимирлатиб салом бериб утган одамга қарардим. Юрагим жиг этди. Еши утиб қолган бўлишига қарамай қуримли, қомати тик, оппоқ сочлари ўзига ярашиб тушган, ораста кийинган эркак...

ши-ёмон кургуликларни тасоман унутганини, янгитдан ҳаёт бошлаганини худаям истадим ушунда.

— Тугри қилдим деб уйлаясизми?

— Албатта... Мусофирчиликда, ижарама-ижара яшаш, етишмовчиликлар, бир кунмас бир кун мени ёмон йўлга бошлаб кетиши ҳеч гап эмасди. Бунга ақлим етиб қолганди.

— Эрингиз неча ёшда?

— Элликдан ошиб қолган...

— Ёши сиздан анча катта экан-да?

— Нима бўлибди? Одам

дини деб яшаши керак...

— Сиз ҳали, жуда-жуда ёшсиз... Ҳали катта, узоқ ҳаёт олдинда. Кейинчалик бошқа фикрга ҳам келиб қолишингиз мумкинлигини тан оласизми? Нахотки уша қишлоқдош йигитни унутган бўлсангиз?..

— Тамоман унутиб бўларканми? Лекин унинг мен учун сира аҳамияти йўқ. Мен уни унутдим. Узимни шунга мажбур қилдим. Биласизми яна шундай хулосага келдим, одам лой эмас-ку, узини бир қоллига мослаб шу ҳолича қолиб кетса... Ахир бу дунёда инсонга ажратил-

катта бўлиб қолган, неваралари ҳам бор. Ташвишни куп — буйига етган қизларини эрга бериши керак. Эримга ҳамisha болалар ҳол-аҳволдан хабар олини, ташлаб қўйма-нг, деб уқдириман. Менга сўхбатдоримнинг фикрлари маъқул келади. Ёш бўлса ҳам ақл-фаросати расо аёл экан, — деган фикр кечади кўнглимдан. Унга яхши тилакларимни изҳор этмоқчи бўлиб оғиз жуфтларканман, телефон алоқаси узилиб қолади...

У хали яна кўнгирак қилади, исмини сўраб оламан, яна кўнгираклашиб турайлик, дейман, деб уйлаб бироз кутдим. Лекин у қайта кўнгирак қилмади.

Бу ҳаётнинг қутилган ва шунингдек қутилмаган бахту бахтсизликларини шу ёшгина боши билан тотиб қуришга улғирган, ана шу топишу-йўқотишлар аро энг муҳими, энг қувончли ўзини йўқотиб қўймаган, аксинча қаддини тик тутиб, руҳан юксала олган аёлга ҳавасим келди ва ўз бахти-саодатини ўз оиласи, бола-чақасидан айру тасаввур ҳам қилиб кўрмаган замондошимга барча эзгу тилаклари ижобат бўлишини тилаб қолдим.

Дилбар САИДОВА

- ТОШКЕНТНИНГ ОПОК ТОНГИГА БОШҚА ОДАМГА АЙЛАНИБ КИРИБ БОРДИМ.
- ҲАЁТИМДА ИККИНЧИ БОР ҚОҚИЛДИМ.

- ЯХШИ ОДАМЛАР КҮП — ФАҚАТ ИЗЛАШ, ТОПИШ КЕРАК.
- АЁЛ МЕҲРИ ЭНДИ ФАРЗАНДИГА КҮЧАДИ.

хабардор эди. Чунки бошпанасиз қолган, пудим тугаб очнагор юрган пайтларимда шу опага дард-ҳасратларимни айтар эдим, у менга имкон қадар ёрдам берарди. «Бунақа сарсон-саргардон юргангидан кура, эрга тегсанг тиниб-тинчиб қўяқолармидинг, ҳой қиз!» — деб қолди у.

«Кимга тегаман?» — дедим. Бунга қарангки, шу гапларни айтганда маҳалимда қаршимиздан бир эркак утиб қолди. Опа эса шу одамга имо қилиб: «Шу кишига яхшилаб разм солиб

«Майли, таништиринг тегаман», — дедим опага. Опа ўша кунийёқ бизни таништириб қўйди. Бир ой ичида туйимиз ҳам бўлиб ўтди. Мана уйланмаз бор.

— Уйлача нечага кирди?

— Ҳали бир ёшга киргани йўқ...

— Эрингизни шундоқ бир куриб тегибсиз. Бир қуришдаёқ муҳаббат туғилар экан-да?

— Мени дарров севиб қилибди деб уйлаясизми шекилли. Севги деган гап ҳаёлимга ҳам келмаган. Мен фақат утган ҳамма гапни, бошимдан кечган ҳамма ях-

руҳан, жисмонан соғлом бўлса, ёшнинг аҳамияти йўқ, деб уйлайман.

— Уртангизда узаро меҳр устунми-ё муҳаббатми? Қандай уйлаясиз?

— Менимча... — Аёл бир зум жим бўлиб қолади. Афтидан у сўхбат бошида фақат газетадаги мақола устида фикр билдирмоқчи бўлганди-ю, ўзи ҳам сезмаган ҳолда бирма-бир сирасорини ошкор этганидан бир зум пуйшаймон бўлди, шекилли. Сўнг сузида давом этди: — Боя бошида айтдим-ку, болали бўлганидан кейин аёл энди шу фарзан-

ган вақт жуда қисқа-ку. Ҳаётга кенг назар билан қараш керак. Дунёда менинг эримга ухшаш яхши одамлар, чиройли рафторли одамлар кўп. Фақат шундайларни қўлаб, шундайларни истаб, илгаб, топиб олиш керак.

— Яна бир нарсани сўрасам... олдинги хотини, бола-чақасига муносабатингиз қандай? Ўша аёл янгитдан эр қилиб кетмабдими?

— Қизининг туйи муносабати билан уйимизга кириб кетди. Ёши эрим билан тенгдош экан. Бола-чақаси бор аёл қамдан кам ҳолда қайта эр қилади. Болалари

ЭСЛАСАМ...

олдинма-кетин югуриб кишидда, мен ётган тарафга қараб югуриб кела бошлашди. Онам ҳамин қараётган экан чамаси, қўллари ҳамир юқи. Тоғам эса ҳамон тушунтиришда давом этиб, онамининг олдида пилдираб келар эди. Онам шўрлик гап нелигини пайқаб қолди-да, ерда ётган терак шохини олиб тоғамни чаққонлик билан бир туширди, навбат менга келишини кутмасдан иргиб турдим му жофатки ростилаб қолдим. Қарасам калтак таъсиридан икки қадамни битта қилиб, тоғам мендан анча олдинда илгарилаб борар эди. Онам эса турган жойида гамгин ҳолатда бизнинг орқамиздан кузатиб турар эди. Онамининг қувмаслигини билиб биз ҳам тухтаб онам тарафга қарадик. Онам эса «сен бола ҳали шойишмай тур, даданга айтиб бир адабинги бердирмасам, жуда ҳаддингдан ошиб кетяпсан. Бу бўлмагур қилиқларинг билан мени адо қиладиганга ухшайсан, деди-да ҳовли тарафга қараб секин-аста кетабошладим. Шунда илк бор, бу қилган ишимдан азоб чекдим. Онажонининг аҳволига ачиндим, оташин бўлиб айтган гапларига тушуниб сесканиб кетдим. Биз яна уйинга алаҳсиб кетдик. Кечки пайт подадан молларни ажратиб уйга келсам онам ўчоқ бошида овқат қилаётган экан. Молларни қуралирига қамаб, ҳеч гап бўлмагандай секин онамининг олдида келдим. Нима дейишини билмасдан «онажон овқат пийсираясизми», деб сўрадим. «Сен яхши қурган овқат углим, ювиниб ичкарига қирақол тайёр бўлиб қолди, ҳозир сузаман», — деди. Ювиниб уйга кирсам жамоат ҳам, ҳал галгидек сингилларим дадам атрофида парвона. Дадамга салом бериб ўз жойини эгалладим. Катта синглим билан онам овқатларини олиб киришиб ҳаммага қўйиб чиқишди. Овқат ичяпман-у дадамдан қўз узолмайман. Ишқилиб бугунги во-

қеани онам дадамга айтмаган бўлсинда, деб уйлайман ичимда. Дадам жуда сержаҳл, фарзандлар интизомига қаттиқ турар эди. Баъзи пайтларда отигорик жазолар олишимга турти келиб қолар, бундай эл-қалларда онажоним менга аталган жазога шерик бўлар ва жазонинг мумкин қадар енгил бўлишини таъминлар эди. Йўқ, онам дадамга айтмабди. Дадам ҳеч нарсасдан хабарсиз овқатини ичар эди. Онам ўз қосасидаги бир бўлак гуштни олиб менинг қосамга қосиқ билан қўятганида дадам қараб турган экан, шунда дадам онамга қараб: «Ҳа онаси, оғзингданги олиб болангга бер. мен урушсам ёнини ол. Бунинг қўлмаси қачон одам бўлади ўзи. Қишлоқда шикоят қилмаган одам йўқ ҳисоб. Анови кўча бошидаги қозоқ қолнинг пайкалига кириб, ҳали пийшмаган хом хаммақларини узиб увол қилибди, бу шумтаканг. Қўшнимизнинг шафтолисичинг шохларини синдириб ташлабди, эркатойинг. Бунинг орқасидан бирор тузукроқ гап эшитаманми ё йўқми, ўзи», деб онамга ёвқараш қилди. «Қуйинг дадаси. Жаҳлингиз чиқмасин, бир кун бўлмасча бир кун яхши бола бўлиб қолар», — дея мен тарафга қарадим онам. Мен бўлса ичимда «рахмат онажон сиз бўлмасангиз қай аҳволда қолар эдим, кимга суяниб кимга таянар эдим», деб онамга меҳр қўз билан қарардим. Болалик тасаввуримда энди уйласам, ота-онамиз абадий болалик ҳам абадийдай туюлар экан. Мен ўзим онасиз ҳаётни ҳеч қўз олдимга келтирмас эдим. Онасиз ҳаётни ҳеч ақлимга сиғдирмасам, агар онам бўлмасча ҳаётнинг, умуман яшашнинг ҳеч қизиги йўқдай туюлар эди. Ота-онамиз ҳам, биз ўзимиз ҳам дунёга меҳмон эканлигимизни сал улғайиб англаб етдим. Онажоним вафот этганда рида ўттизга қира-қирмас йигит эдим. Худога шукр онам ўзи орзу қилганидек келин

қурди, оз фурсат бўлсада на-бираларини оличаб қисман орауси ушладим. Энди кичик углимни уйлайман, қизларини чиқарман деб елиб-югуриб юрганда хасталаниб шифохонага тушиб қолди. Онам эллик йил умр куриб бирор марта бўлсин уқол ё дори истезмол қилмаган, шифохонада ётмаган эди. Шундай бир дараж бор эканки, бир ой ичида 65—70 кило тош босадиган онамни 35—40 килога тушириб қўйди. Охир-оқибат бу дараж онажонимни бизнинг бағримиздан шафқатсизларча юлиб кетди. Тақдир экан барчасига қуниқдим, ҳозир ёшим элликдан ошди, онам мен учун ҳамisha тирикдай. Ҳа, худди шундай. Онам сиймосини, онам суратини унинг на-бираларида, чеварларида кўраман. Кўнглим бироз таскин топадиган бўлади.

Мен фақат онам болалик давларидаги бир кунлик, ўзим болалик пайтимдаги бир кунлик воқеани ҳикоя қилдим ҳолос.

Уша бир-икки дақиқалик уйимиздан онам бечора қанчалик тушунлиқча тушиб, гапга ботганини узим ота-бола бўлиб тушунгандайман. Балки ўша уйимин билан онамининг соғлиғига озми-кўпми салбий таъсир қўрсатган дирман.

Бундан ўқинаман. Афсус чекаман. Энг бахтсиз куним деб онажонимга қилиб-билмай озор берган, дилини оғритган кунларим деб биламан. Энг бахтли кунларим деб, бегубор болалик онларимни, онам тиззасига бош қўйиб ухлаб қолган тунларимни деб биламан.

Она фарзанд учун ҳамisha тирик. Шу жумладан, мен учун ҳам. Онам руҳи қўвончли кунларимда, қайгули давларида ҳамisha мени қўлаб-қувватлаб туради.

Тошпўлат ПАРДА ўгли,
Ангрен шахри

«Кунларнинг бирида» конкурсига

МУҲАББАТ УТИДА
ШҶОИР БҶУДИМ

Аёллар миш-мишга устаси фаранг эмасми, бир куни синглим: «Аха, сингизинг палончиҳонни севишингиз, даладаги учрашув воқеаси бригадада дув-дув гап бўлди. Мен нима дейишини билмай, икки ёш севишиб турмуш қурса ёмонми? — дедим», — деди.

Армияга жўнаш вақти ҳам етиб келди. Кечқурун тенгдош дусларим, қариндош уруғлар билан хайрлашув кечасини ўтказдик.

Мана хизмат ҳам бошланди. Мен уч донга соғинг мактуби ёзганимда, у бир марта мактуб йўллади ҳолос.

Минг афсус, қиздан бошқа хат ололмадим. Мен кечалари ухламай ишқий шеърлар битардим:
**Бевафони қутиб ўртанса юрак,
Сабрга айланса агар эзгу тилак,
Ёнингда бўлмаса сен севган малак,
Мен кимга ишониб яшайман энди.**

**Ишқ қучалари гар келганда тор,
Қучоқларин оқса ҳирқонли диёр,
Олисларда қолса гар севики рухсор,
Мен кимга ишониб яшайман энди.**

**Тақдир савдосида ҳали ёш эдим,
Сиз билан дунёни бахтиёр дедим,
Аламли давларнинг гамини едим,
Мен кимга ишониб яшайман энди.**

Мендаги ўзгаришни сафдошларим сезди, шекилли, овута бошлашди. Қурилиш бригадамиз ойлик квартал режаларини ортиги билан бажарди. Тезда менга уйга бориб келиш учун рўхсат беришди. Сурштирсам, қиз қариндош йигитга ёр бўлибди. Алдоқчи ёр синглимга икки қатор афсус хати берибди: «Мени кечиринг, айбдорман, ота-онамга йигитим бор, дея олмадим». Яшашим келганим, ёнғайган юракча сув сепилди. Ҳарбий қисмга бориб, олийгоҳга кириш учун тайёрлана бошладим ва июл ойининг йигирма туртинчисида ҳужжатларимни топириб, августнинг йигирма учинда талаба бўлдим.

Тақдир экан, курсдошим билан турмуш қурдик. Аммо бир йилга бормай мен севган қизининг оиласи бўзилди, бир фарзанд билан эри ҳайдаб юборибди. Муҳаббат инсонни бир-бирига яқинлаштирар экан, жуда ачиндим, на илож. У менинг хотиним билан опа-сингил бўлиб қолишди. Углиниг суннат туйига бордик. Тақдирни қарангки, унга совчи қўйиб тоғамга олиб бердик. Ҳозир саккиз фарзандли бўлишди. Ҳеч иккиланмай углимга тоғамнинг қизини олиб бериб, қуда бўлдик.

Ҳа, ҳаёт шундай чархпалак экан, айланаверади. Пешонага ёзганини қўз қуради. Муҳаббат, севги ўтида менинг шожир бўлиб қолганим фойдага қолди...

НОРБЕК,
Фарғона вилояти Ёзёвон тумани

Тарбия соати

ИСТАК ВА АРМОН БЕКАТИ

Инсон яшар экан жуда кўп нарсаларни орзу қилади. Уларга эришмоқчи бўлади. Эришганлари озу, етишмагани бисёр бўлади. Ана шу етиша олмаганлари армонга айлана бошлайди. Болаликда тезроқ катта бўлишни истасак, катта бўлгач, болалигимизга меҳр ва армон билан боқамиз: «Кани энди — қайтганида шўх-шодон болалигимиз, кўп юмушларни узгача тарзда амалга оширган бўларди», — деймиз. Болалик эса қайтмайди. Кунгилнинг туб-тубига илк армон чуқарилади.

Биз бугун болаларимизга Қувш каби меҳрибон, замин каби ғамхўр бўлишимиз керак. Болаларимиз бахтдан тулиб келажакка гурур билан боқсинлар.

«Армонли дунё», деймиз. Армонлар — амалга ошмаган орзулардир. Орзулар эса уммон қадар.

Биз болаларимизни орзу қилишга ургатишимиз керак, токи кунгил қатларида яхшилик ҳоким бўлсин. Нурга йўғрилсин уларнинг орзу, уйлари. Агар бола орзу қилишни урганса, уларга ниятлари йўлдош бўлса, улар бу кўнча дунёни ёшатирадилар, умр бахш этадилар қайта дунёга.

Орзу — ҳаётнинг боши. Шунданми, алла айтётган она энг бахтли онадир. У уз алласида жами орзуларини акс эттириб, жами армонларини баён этади. Шу боис миллатидан, тилидан қатъий-назар аллани ҳамма тушунади, ҳамма алладан қувват олади. Биз сезмаймиз, балким алла оҳангиди оҳиста тебранаётган гудак қалбига ҳам орзулар нур каби жо бўлаётгандир.

Баланд тоғ қаршисида туриб антикамиз, шўх дарё қирғида тўлқинланамиз. Бу нима? Бу — орзунинг тоғ қадар юксаклигидан, дарё каби жўшқинлигидан далолат. Бу кун болаларимизга насиб этган орзу қила олиш истаги мустақиллик самарасидир. Чунки барча тенг бўлишга мажбур бўлган замонда орзулар ҳам тенг, қаричлар ҳам тенг эди. Аввалдан маълум эдиким, барча болалар 7 ёшида мактабга чиқса, 17 ёшида уни битириши аниқ эди. Барча ўқитувчи тенг эди. Орзуга эҳтиёж ҳам, имкон ҳам қолмаганди. Натижаси ҳаммамизга маълум, оммавий ялпи мавқуртлик, ҳиссийлик авж олиб, қолайдлар қолиб келди.

Бизга бугун уша утган кунларимиз самарасиз ва армон бўлиб қолди, айни вақтда бу кунги орзуларимиз ушалишида болаларимиз армонлари етибди. энди бу ёғига беармон яшамоқ учун на фақат узимиз, балки фарзандларимизнинг кунгиллари орзуларга лиммо-лим тўлмоғи даркор.

Бизни ураб турган борлиқ жуфтликлардан иборат: оқ ва қора, ғам ва шодлик, тугилимоқ ва ўлмоқ, вафо ва хиёнат, истақ ва армон. Ҳаёт мана шу жуфтликларнинг узвийлигида давом этади. Бу жуфтликлар бири-иккинчисиз мавжуд эмас. Демак орзусиз армон ва армонсиз орзу бўлмайди. Шўхлар ичида Кайковус мана шу орзу ва армонни моддийлаштиришга муваффақ бўлган ягона шохдир. У ҳали инсон парвоз қилиш сирларини англаб етмаган пайтларда юқорига парвоз қилиш учун сандиққа бир таёқни маҳкамлаб, унга гушт илиб қўяди. Сандиқнинг узига бир жуфт бургутни маҳкам боғлаб қўяди. Бургутлар гуштва интилади, сандиқ кутарилади, гушт ҳам юқорилашади, бургутлар яна гуштва томон интилишади ва ҳ. к. Бу жараён бургутларнинг ҳафсаласи пир бўлгунча давом этади. Мана шу ерда фарзандларимизни юксакка интиштириш, камолот чўққисига етишнинг модели берилган. Демак, кимники орзу, истаги курилиб, қўл етadиган жойда турса-ю, у интилиши билан истақ ҳам юқорилашаверса: оила деб аталмиш сандиққа келтаётган болакай ҳам юксакка кутарилаверади, ҳаётдаги илм, амал, мансаб, шўхрат ва ниҳоят камолот чўққиларини забт эта боради. Бу жараён ҳам болакайларнинг ҳафсаласи пир бўлгунча қадар давом этади. Биз катталарнинг навбатдаги асосий вазифамиз — фарзандларнинг орзулари йўлида ҳафсаласизликдан саклаш. Шунда улар армонли дунёда беармон яшаш бахтига мушарраф бўладилар ва орзуларга тулиб яшайдилар.

Биз ота-оналарнинг асосий вазифамиз фарзандларимизни Қувшдек меҳрибон улуг инсонлар даврасига тортиб, Заминдай меҳрибонлик билан истақ ва орзуларини парваришламоқдир. Шунда биз давримизнинг маънавий етук, баркамол келажагини яратишда уз муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ

Тирноқларимиз!



Жилимиз Сандазим!

Сени ва Гулнорахонни 8 август кунини бўладиган никоҳ гўйингиз билан табриклайман. Отанг Абдишукруннинг руҳи сизларни доимо қўллаб-қувватласин.

Сайдмурод амакинг



Меҳрибонимиз

Нодиржон

Каримов!

5 август туғилган кунингиз билан қутлаймиз. Бахтимизга доимо омон бўлгин.

Онанинг Зухро Юсупова, опаларинг Зебо, Луиза.

Азизларим Дилфузатон ва

Асадияло!

Сизларни туғилган кунингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Ишларингизга омад, оилангизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз. Фарзандларингизнинг бахтига омон бўлинглар.

Оила аъзоларингиз, опаларингиз

Хўшамиз танишамиз!



60609. АЛО10108

ЎҚИҲОҲИ!

Сизни табарруқ 60 ёшингиз билан қутлаймиз! Оллоҳдан сизга мустақам соғлиқ ва тинчлик-омонлик тилаймиз. Кейинги

ҳаётингиз ҳам бахт ва фаровонлик оғушида ўтсин.

«Матбуот тарқатувчи» АЖ жамоаси

Азиз фарзандларимиз

Мавлуда ва Ботиржон!

Сизларни туғилган кунларингиз ва турмуш қурганингизнинг бир йиллиги билан табриклаймиз. Намунали оила соҳиблари ҳамда ширин-шакар фарзандларингиз ибратли ота-оналари бўлишингизни тилаймиз!

Ота-оналарингиз

Отажонимиз Нури ал ва отажонимиз Мираббар тоқчи

Юсуповлар!

Турмуш қурган кунингизга 63 йил тулиши ва таваллуд айёмингиз билан қутлаймиз.

Фарзандларингиз, келин-куёвларингиз, набираларингиз

Маслаҳатхона

ЎЗИНГ ҲАЛ

ҚИЛ

ТИРНОҚ ҲАМ БИР МУЪЖИЗА

Биз қўлимиздаги, оёқ панжаларимиздаги тирноқларимиз ушиб, қўпинча ғашимизга теккан тақдирдагина қайчини ишга солиб ўсган қисмини олиб ташлашни биламиз, холос.

Шахсан менинг назаримда инсондаги куч-қудратнинг қоқ ярми шу тирноқларда. Фараз қилинг, тепаликка юриб чиқаётгангизда чарчаб қолдингиз, уша пайтларда кучингизга қуш қўиши учун ўнг қўлингиз тирноқларини бошбармоқ тирноғига навбатма-навбат тўқнаштириб олсангиз, юқорига чиқишингиз чарқосиз да-

вом этади. Чап қўлингиз тирноқларини ҳам ўнг қўлингиздек ҳаракатга келтирсангиз, кучингиз икки ҳисса ортагандек бўлади.

Энди тепаликдан пастликка тушишни ҳам бир ҳаёдан уйлаб кўрсангиз худди юғуриб тушиб кетаётгандек бўласиз. Уша пайтларда тезликни секинлатиш учун яна тирноқларингизни юқоридигдек бир-бирига бирлаштирсангиз қадамларингиз киши билмас тормоз ҳосил қилганини билиб оламиз.

Яна баъзилар жаҳли чиққанида ўзини қўлга олиш учун тирноқларини киши билмас сиқиб қўяди.

Ҳаётда йўталларнинг тури кўп. Мен бошқача бир йўтал, нафас қисилиш ҳақида икки оғиз гапириб ўтишни лозим топдим.

Ён атрофимда, кўча-кўйларда шундай одамларни биламан. Уларни доимо нафаси қисадию, аммо буйидан буйинтириқ — галстуги тушмайди. Улар азага ҳам, туйга ҳам галстуксиз бора олмайдилар. Ваҳоланки, улар буйинини очиб қўйиб, буйин атрофидаги ҳаво йўллари эркин қўйишса нафас қисилишдан халос бўлишарди.

Ундайларга нима дердик, яшашни ҳоҳласанг галстукдан воз кеч, қўлингизни ҳоҳласанг бу ёғини ўзинг ҳал қил, дейишдан нарига ўтмаймиз.

С. САЙДУЛЛАЕВ

Ё, пирай!

СЕПЛИ ҚИЗЛАР

«Бизнес Эйж мегезин» журнаlining хабарига кўра, энг бой топ-модел 34 ёшли австралиялик Элла Макферсон бўлиб, унинг даромади (бутун бойлиги) 36,8 млн. долларни ташкил этади. Асосий касбидан ташқари у аёллар учун либослар ишлаб чиқаруви корхоналари ҳамда бир неча рестороанларга ҳам эга. Утган йили Макферсон 1960 йил яратилган Астон Мартин ДВ1 автомобилни 90 минг долларга сотиб олиб, барчани хайратга солган эди. Бу машинада Жон Кеннери Джеймс Бонд ҳақидаги фильмининг 1-серияларида рол ижро этганди.

«Бизнес Эйж мегезин» рўйхатида 2-чи урини 32 ёшли америкалик Синди Кроуфорд банд этган. Унинг даромади 34 млн. доллар.

Ундан сўнг европалик топ-моделлар орасида энг бойи 32,8 млн. доллар даромади билан немис Клаудия Шиффер туради. Апрель сўнгида у Парижда ўтказилган Ситроен-Иксара янги моделда иштирок этди.

Бешликни Линда Евангелиста (27 млн. доллар даромади бор) ҳамда Наоми Кемпбел (27,5 млн. доллар даромади) давом эттиришади.

«Матбуот тарқатиш уюшмаси» Ҳиссдорлик жамияти фаолиятининг йиллик (1997) ҳисоботи

Асосий воситалар:	Минг сум	
Қолдиқ қиймати	7.200	
Банклар акциялари	851	
Ишлаб чиқариш заҳиралари	834	
Савдога чиқадиған махсулотлар	35446	
Пул маблағлари	6492	
Дебиторлар	1573	
Низом жамғармаси		2537
Қўшилган ва заҳира жамғармаси		508
Тақсимланган фойда		1619
Кузланган фойда		3771
Олинган аванслар		2009
Кредиторлар		41952
Умумий ҳисобот	52396	52396

Ҳисобот даврида махсулот сотишдан олинган соф молиявий даромад 70212 минг сумни ташкил этди. Харажатлар 49909 минг сум. Туланган солиқлар 23311 минг сум. Ҳисобот даврида қўрилган зарар 3008 минг сум. 1997 йилда ҳар бир акцияга 135 сум (135%), жамми 3424750 сум дивиденд туланди.

Ибн Сино сабоқлари

СИРКА

- Сирка моддаларнинг ичига қуйилишини тўхтатади, ҳамда уларнинг суюлтиради ва кесади. Уни қон кетишига қарши ичила ёки қон бадан ташқарисидан оқаётган бўлса, уни қуйилади. Шунда у қонни тўхтатади.
- Қаерда бўлмасин пайдо бўлаётган ишни қайтади.
- Уни асал билан қушиб қонгалашга суртилса фойда қилади.
- Милкка, учуққа ва сарамасга фойда қилади.
- Югурувчи яралар, қутирга фойда қилади.
- Галвирсимон суюкдаги тикилмаларни куч билан очади ва қулоқнинг ғувиллашини йўқотади.
- Давомли йўталга ва тикка нафас олишга қарши сиркани қиздирилган ҳамда култумлатиб ичирилади.
- Инақдаги югурувчи яраларга қарши қиздирилган сиркани туз билан қушиб ҳуққа қилади.

МАЖНУТОЛ

- Унинг пустилоғи ва елими ишлатилади. Елимини тилиш йўли билан олинади.
- Ёгочнинг қулини сирка билан сугалга қуйилса қурилади. Осилган ва осилмаган бўлса ҳам уни қучириб туширилади.
- Пустилоғи сочни буйайдиган буюқлар таркибига қиради.
- Унинг пустилоғи ва баргини янчиб кесилган ерга ва янги жароҳатларга қуйилса, фойда қилади.
- Қайнатмаса подагадга қуйилдиган яхши доридир.
- Агар баргининг ширасини гўл ёғи билан анор пустида қайнатади қулоққа томизилса, қулоқ оғрини қолдиради.
- Қайнатмаса билан қазғоқни ювалади.
- Унинг меваси қон туфлашларда фойдалидир. Пустилогини ҳам шундай таъсири бор.

Сайдмурод САИДАХМАД тайёрлади

Содда муолажалар

- Қотган нон аъзои-танани иллатлардан тозалайди. Наҳорда асал еган касал бўлмайди.
- Майиз билан нонни қушиб ёганнинг табигга иши тушмайди.
- Кимки урик ва туршакни куп еса, юраги бақувват бўлади.
- Бош оғриганда уқалатилса бир муддат оғрик қолади, яхши бошни қийқача билан боғлаб қуйиш фойдалидир.
- Ҳафтада бир кун оқ юриб аъзои-баданга дам бериш саломатликка қони фойдадир.
- Ҳамма дард шомоллашдан бошланади, бу дардни енгил деб бепарво бўлманг.
- Агар кишида уса-шиш пайдо бўлса, асалари уясидан қайнатма қилиб ичиш лозим.
- Саримсоқ палласини ёғда қовуриб тановул этилса, тададаги қичима йўқолади.
- Қизил лавлагини қайнатиб, оқарган сочга сурсангиз, қорайтиради.
- Соч туқилган жойга қуйдирилган саримсоқ пусти билан зайтун мойидан малҳам суриш керак.
- Яра шиша унга сиркали мис тузидан озгина сепинг, тўзалади.
- Турп уругидан бир неча дона есангиз, қичимадан қутуласиз.
- Саримсоқ билан зира қайнатмаса — танани чинқиртиради.
- Саримсоқ ва шолғом уруги талқони юздаги доғларни кетказади.
- Агар оёқ терлаб ёқимсиз хид келадиган бўлса, унга туянинг исиқ қонини сурхаш керак.

МУҲАББАТ — инсондаги энг нозик туйғу. Муҳаббатли оила, муҳаббатдан туғилган болалар, муҳаббат билан вояга етган фарзандлар... Бундай оилалар билан учрашув кишига қувонч бағишлайди. Муҳаббат ҳамма ёшдаги одамларга ярашади. У бор қалб энг бахтиёр юракдир. Шундай бахтиёр одамларгина ҳаётни ҳаракатга келтиради, ривожлантиради, гузаллаштиради.

Муҳаббатга эришиш қийин, аммо уни йўқотиш осон.

Севги билан оила қурганларнинг тез орада ажралиб кетганларининг ёки ота-оналарининг маслаҳати билан оила қуриб, бир-бирига урганиб, бир-бирига интилиб, бир-бирига яхшилик тилаб яшаган ёшларнинг муҳаббат қасрларини қурганларининг ғувоҳи бўласиз. Демак, ниқоҳгача ва туйдан кейинги асал оиларида аланга олган муҳаббат турмуш иқир-чиқирлари, узаро муомала, борди-келдилар асосида осмондан ерга тушади. Ва унинг тақдирини эр-хотиннинг узаро муносабатлари ҳал этади. Бу табиий бир ҳол.

Муҳаббат шундай мўъжизаки, у инсон умрининг барча дақиқа ва довларларида унга ҳамроҳ ва қуч-қувват, илҳом бахш этиб туради. Шунданми, умримиз борича унга талпиниб, орзиқиб, соғиниб яшаймиз. Унга эришдикми, ана шу туйғулар гўё орқага чекингандай бўлади. Уни асраб — авайлаш ҳақида ҳамма ҳам уйлэйвермаймиз. Бошимиздан бахт ҳуши учиб кетгандан кейингина узимизга келамиз.

Бир ёш оилани биламан. Улар муҳаббат билан оила қурган эдилар. Бир уғил, бир қизлари бор. Болалар мактабга боришгунча эр-хотин денгизга гарқ бўлиш хавфидан турган кемадек қалқиб-қалқиб турдилар. Бунга қайнонани сабаб қилиб қурсатди келин. Унда алоҳида яшаб қуришсин, дея қайнона углини бўлак қилиб, бошқа жойга қучирди. Ёшлар аввалига иноқ яшашгандек эдилар. Куп вақт ўтмай уртада яна жанжал кўтарилди. Охири улар суд

орқали ажралишди.

Турт хонали квартиранинг икки хонаси болалари билан авлга, икки хонаси болаларнинг отасига ажрим қилинди. Эр ҳам, хотин ҳам битта эшикдан кириб чиқишди, битта ошхонада овқат пиширишди. Уртада болалар ҳайрон. Она қучада келса онасига ёпишди болалар. Ота ишдан қайтса отасига талинади улар Собик эр-хотин баъзида бир-бирлари

САБР ТАГИ ОЛТИНДИР

- МУҲАББАТНИ ЙЎҚОТИШ ОСОН.
- ОХИРИ УЛАР СУД ОРҚАЛИ АЖРАЛИШДИ.
- СОБИҚ ЭР-ХОТИН БИР ЭШИКДАН КИРИБ ЧИҚИШАДИ.
- ЎРТАДА БОЛАЛАР САРСОН.
- НЕГА БИЗ КЕЧИРИМЛИ ЭМАСМИЗ?

га рубару келиб қолишди. Нақ чаён чакқанда икки томонга бурилиб кетишди. Авл ишда пул топиш ҳам, рузгор тебратиш ҳам қулидан келишини эрига қурсатиб қуйиш учун зўр бериб интилади. Сомса пишириб сотади. Тушгача идорама идора эшик қоқиб, сомса сотади. Бир кун эмас, бир ой эмас, йиллар давомида ҳаёти шу зайядда қучада ўтаётди. Болалар қаровсиз, ота меҳрига, она меҳрига зор бўлиб ушимокда. Қуряписки, оила ҳам моддий, ҳам маънавий инқирозга учраган...

Нима гап узи, деб сурсангиз: эри хотинининг тили аччиқ, ношуккур, деб ранжийди. Хотинидан сурсангиз, едирган ичирганини миннат қилади, дея эридан нолийди.

Ҳаммаси, майда гаплар. Турти, тил захридан юрак зада бўлиши, миннатли ошдан қорин оғриши мумкин. Лекин булар яраси енгил нарсалар, тузатса бўлади... Не не оилалар бор Тузатиб бўлмайдиган хатолардан қуш юмиб, оилани сақлаб қоладилар. Болаларни отасиз, онасиз қолдирамаслик учун ҳам оилани маҳкам ушлайдилар.

Нега биз кечиримли эмасмиз... Фезилимиз тор, бир гапнинг ёқасига ёпишиб тураверамиз... Қупинча айбни бировга тунқаймизу, узимизни оппоқ қилиб қурсатамиз. Авлларнинг

Қуша қариш сир

аччиқ гапию гиди-бидисидан дунёси қоронғу бўлган эр-кақлар, эркакларнинг муш-тумзурилги, курс муомаласидан қунгиллари зада бўлиб, чок-чокидан суккилган авллар...

Уйлаб гапирсанг ҳам, уйлаб гапир дейди донолар. Яхши гап билан тушунтириб бўлмаган нарсани ёмон суз билан асло ўқтириб бўлмайди. Узаро муносабатларда чидам, бардош, бир-бирини тушунишга интилиш бўлсагина оилада тотувлик юзга келади.

Бу ёшларнинг узаро муносабатда ҳаётга енгил-елпи қарашини қуравтгандай бўлман. Орада ҳаёлот ҳукмрон. Хар қайсисизда узини

юқори туттишлик, бир-бирини бўйсундиришга зўр бериш, такаббурлик қуринади.

Жаҳлга жаҳл, ёмон гапга ёмон суз, қул қутарганга қул қутариб ҳеч ким ютган эмас. Уруш, жанжал бу мурасосизлик оқибати. Тинч-тотув ҳаёт бу мурасосизлик, келишув-чилик натижаси. Дано одамлар бир-бирларига ён босиб яшайдилар. Эр осмонга чиққанда авл уни ерга торгганини маъқул. Ахир, авлларга эркакларни бошқаришдек илохий қуч берилган. Эракнинг табиигига мослаша олган, феъл-атвориға қараб иш олиб борган, энг муҳими узиникини ўтказмаслик бу энг гузал, тадбиркор авл маънавиятидир.

Авллар эркаклардан кечирувчанлиги, муниси меҳрибонлиги билан ажралиб турдилар. Авлнинг уқи оғир. Унинг қисматида оила тотувлигини бунед этиш, эрни эр қилиш ё қаро ер қилиш, фарзандар қамолти, қариндош-уруғлар ўртасида оқибат ришталарини улаш сингари катта-маънавий мажбурият бор. Ана шулар туйрайли, авл она бўлгани учун ҳам қул нарсаларга қийади, сабр қилиди. Сабр таги олтиндир.

Дилбар МАҲМУДОВА

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

«ҚОРА МОЛ»

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Давлат божхона қўмитаси ходимлари томонидан қорва молларини гапироқ-нуний равишда республикамиз ҳудудидан ташқарига олиб кетилишидек салбий ҳолатларга қарши ана шундай тadbир ўтказилмоқда. Айни кунларда барча божхона постларида ушбу тadbирни амалга оширувчи тезкор гуруҳлар изчил фаолият кўрсатаёпти. Ҳозирча натижа ёмон эмас. Насибага яраша «улжа» қичиб турибди.

Шу йилнинг 29 июл кўни соат чамаси 7.30 ларда эди. Номаълум бир шахс Тошкент тумани М. Фозилов номига жамоа ҳужалиги ҳудудидаги айланма йўл орқали 7 бош қўйни етаклаб кетаятганди. Агарда божхона ходимлари уни қўпдон деб уйлашганда борми, 49 минг сумга сотиб олган қўйларни Датқабек Ерембеков эсон-омон юртига ҳайдаб кетган бўларди. У ёғи узининг иши: ҳохласа суйиб гўштини ерди, ҳохласа сотиб ақча қилар эди.

Афсусли унга иккиси ҳам насиб этмади. Лекин ноумид бўлишга ҳали эрта. Қўнун уларни «қуруқ» қуймайди, албатта.

Достон Ерембеков ҳам юртдошидек чўчварани хом санаган эди. Йўгасан, ювощ ҳайвон деб, 15 қўйни ҳайдаб йўлга чиқаришди? Чамаси шу йўлда «бури» қичиб қолишини ҳавлига келтирмаган ҳам қуринади. Акс ҳолда

бундай номаъқудчиликка қул ўрмасди. Бирок Достонбой ҳам анойи эмас эди. «Қўйларни сўғориш учун олиб кетаям», — деб божхона ходимларининг бошини роса гаранг қилди. Начора, боқийш Кирилловнинг масалини ўқиган-у, аммо ўқимган экан-да.

Энди икки қўнунбузарга нисбатан қўнуний жазо тайинлангани муқаррардир. Ушланган қўйлар эса давлат

ҚАРМОҚҚА ИЛИНИШДИ

фойдасига мусодара қилинди.

БУХОРО. Божхона ходимлари томонидан «Қўнгирот — Тошкент» поездини текширилганда, Туркманистон фуқароси Урингул Мираликуловани 78 минг сумлик акциз марказис «Президент-сигаретасини Ўзбекистон ҳудудида олиб келаятгани аниқланди.

«Тижорат-чиға жарима солиниб, маҳсулотлари давлат фойдасига мусодара қилинди.

ФАРҒОНА. Жаҳон Раҳимова, Дархонбек Қўлдошевлар қўшни Тожикистон Республикасида акциз марказис сгарета маҳсулотларини айланма йўл орқали пивда Республикасимиз ҳудудида олиб киришга уринганлар. Лекин улар зийрак божхоначилар назоратидан четда қолмадилар. Энди ҳар бири 2 минг қўтидан сгарета билан «қуролланган» пивдачи тижоратчиларни қўнун олдида жавоб беришларига тўғри келади. Улжалари ҳам узларига насиб

қилмади.

СИРДАРЁ. «Андижон—Бухоро» йўналиши бўйича қатновчи поезд йўловчиси Норинисо Жураева 56 дона пластмасса идишларда 84 литр спиртни Жиззах шаҳрига олиб кетаятган экан. У ёлғиз эмас эди. Ҳамроҳи ҳам бор эди. Жамила Кенжаева 192 дона арқоқ

маҳсулотини Бухорода пуллаб, мўмай даромад қилмоқчи эди. Афсусли, ҳар икки тижоратчининг ҳам ҳеч қандай ҳужжатсиз ва рухсатномасиз маҳсулотлари манзилга етиб бормади.

СУРХОНДАРЁ. «Сариосиё» темир йўл божхона ҳамда нақийёт икки ишлар бўлими ходимлари ҳамкорлигида «Душанба-Конибодом» поезида текшириш ўтказилди. Натижада Салтанатхон, Муҳаббатхон ва Зебинисо исмли йўловчилар 440 грамм «Героин» ва 10 грамм «Ғаши» гиеҳванд моддалари билан қўлга қилинди.

ФАРҒОНА. Киргизистонлик фуқаролар И. Нусратов, И. Эргашев, С. Эгамбердиевлар «МА3—5849» русумли давлат белгиси 9 0933 бўлган автоуловда 3916 қадок бўғдой, 152 қадок гуруч, 520 қадок ун, жами 182128 сумлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 2 бош қорамолни қўнуний равишда Республикасимиздан олиб чиқиб кетаятганда «Сўх» божхона ходимлари томонидан қўлга олинди.

СУРХОНДАРЁ. Вилоят темир йўл божхона ходимлари 239-сонли «Душанба—Москва» поездининг вағонига кетаятган Тожикистон фуқароси Я. Суяковнинг ҳаракатларидан гумон-сирашди. Уни тиббий хонага олиб кириб сув ичирилганида уч бўлак ҳар бири 5 гр.дан бўлган резинага уралган «героин» гиеҳванд моддасини қайд қилганлиги аниқланган. Сутка давомида шу усул билан фуқаро Суяковнинг ошқозонидан 200 грамм гиеҳванд тушириб олинган.

Ун, гуруч, пахта ёғи каби озиқ-овқат маҳсулотларига узимизда ҳам талаб қучли. Лекин Киргизистон фуқаролари М. Бекматов, А. Мирзахақимовлар 1400 қадок гуруч, 56 қадок пахта ёғи, 245 қадок қанд, 400 қадок ош тузи, жами 149 минг 195 сумлик озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳамюртларининг оғзини мойламоқчи бўлишди. Бирок, Қувасой божхона ходимлари бунга йўл қуйишмади.

ЖИЗЗАХ. Чекиш-саломатлик қушандиси шунга қарамай чекувчилар сони қупайиб бормокда. Умуман тамаки маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам осон бўлмапти, албатта. Қанчадан қанча тижоратчилар бўзчининг моқисидек у шаҳардан бу шаҳарга қатнагани қатнаган. Шундай қимсалардан бир нечаси айланма йўллар орқали Ўзбекистонга 326 минг сумлик акциз марказис маҳсулотларини олиб қираётганида божхоначилар бошини силаб қуйишди.

К. ТОШ,
М. БЕК

Эрталаб ишхонамга келиб янги газеталарни арақлаб бошлагандим, кузим лоторея тиражига тушиб қолди. Бундоқ қарасам ютуқлар виж-виж. Қани энди лотореям бўлсаю унга машина ютсам деб турувдим, ногоҳ ҳаёлимга келган қитмир ҳазилдан узим ҳам қулиб юбордим. Бундоқ атрофга қарасам ҳеч ким йўқ. Тираждан ютугига машина чиққан номерни ён дафтарчамга қучириб олдим-да гала-говур бўлиб турган қўшни хонага кирдим. Бир гуруҳ ҳамкасбларим столда турган лоторея тиражи атрофига худди ширага кунган асарларидек энгашиб олишган. Қўлларида лоторея кўзлари тиражда.

— Эҳ! — деди бирови. — Яна ҳеч нима чиқмади!

— Қаранг, атиги бир номергина етмади-я! Нақ гилам ютардим, — деди иккинчиси тиззасига бир шаятлаб.

Бошқалари ҳам бирин-кетин қўллари даги лотореяларини текшириб қуришдию ҳеч кимда лоторея қолмаганидан кейин, мен:

— Қани, азизлар, ким ютди? — деб сурадим.

— Ҳеч ким, ҳеч нарса! Ювишдан хомтама бўлмай қуя қолинг, — дейишди ҳафсалалари пир бўлиб. Шунда:

— Менда ҳам биттагина лоторея бор эдию, лекин уйда-да, — дедим муғом-бирона.

— Номерини ёзиб олмаган экансан-да, узи бўлмасаям текшириб кураверар-дик.

— Дарвоқе, агар хотирам алдамаган

туширвордим. Сенинг ҳисобингдан ун ки-чилик стол тузашаяпти...

Оббо дедим узимга узим овоз чиқар-май — Энди бу ёғи қанчаданга тушди? Ҳазил қилмай мен улай!

Сейфни очиб хотин акамдан яширинча йиғиб юрган уч минг сумни олиб ошхонага тушдим. Ювиш шохона ўтди. Ҳар қада қўтарганимизда бош директоримиз мени қайта-қайта табриклаб, бошқаларга ҳам шундай омад тиладилар. Сарҳуш бўлиб ишхонага қайтдим.

— Майли, булар иш бўлди. Ювишга сарфланган пулимини кенноийингиз бил-майди. Бас, шундай экан, охири баҳайр бўлади, деб турувдим, телефон жиринглаб қолди. Дастанки кутарсам хотиним:

— Э, дадажониси, дўстларингизни қачон олиб келасиз? Бу ерда меҳмонлар кўтиб қолишди-ку!

— Нима гап, нега дўстларимни олиб бораман? Қанақа меҳмонлар кўтиб қолиш-ди? Ҳеч нарса тушунмапман, хотин. Ни-малар деясан ўзи?

— Вой дадажониси, ўзим ўргилай сиз-дан! Мени ҳеч нарсдан хабари йўқ деб уйлайсизми? Ҳаммасини эшитдим. Бош директорингизнинг ўзлари эрталабдаёқ телефон қилиб хушхабарни менга етказ-ган эдилар. Дадам, ойим, акаларим, қўш-нилару қариндошлар ҳаммалиги шу ерда. Ютуқни ювишни аллақачонқоқ бошлаб юборганмиз. Айниқса ўлгингизнинг қувон-чи чексиз, оғзи қулоғида денг...

Хуллас булар иш бўлди. Бош директо-римиз бошчиликларидан бир гуруҳ дўстла-рим билан йўлга чиқдик. Уйимиз гуё

ҲАЗИЛ ҚИЛМАЙ МАН ЎЛАЙ

ҲАЖВИЯ

бўлса ён дафтарчамга ёзиб олувдим ше-килли, дедим-да эринибгина чунтагим-га қул солдим. — Мана, бор экан!

— Менга берчи, — деб хона эгаси дафтарчабини олди-да, ундаги номерни тиражга солиштира бошлади ва қўтил-маганда:

— Машина! Машина!! Машина чи-ди-и-и!! — деб бақириб юборди.

Бир зумда хона одамга тўлди. Мен қолиб тиражни текширган дўстим ҳая-жонда. Оёқ-қўллари дир-дир титрайди, денг. Нуқул Машина! Машина! Машина чиқди-и-и!! деб бақиради.

Мен бўлсам:

— Қуйсанг-чи ҳазилингни, мен ҳеч қачон лотореяга ютган эмасман, — деб узимни ишонмасликка соламан.

— Алдасам улай агар, — дейди у. — Мана узинг қўриб қўй! Энди суюнчиси-га нима берасан?

— Э, бошламасига ҳозироқ ювამиз-да, — деди бошқа бирови. — 'Бугун тушлик машинали бойваҳанимиз ҳисобидан!

— Майли, — дедим қатъий оҳангда уларни қотириб бошламоқчи бўлиб. — Шундоқ катта ютуқ чиқадию ювишдан қочаманми?

Бирварақайига шунча одамни лақил-латганимдан мамнун бўлиб хонамга ки-риб кетдим. Бир пайт қарасам ҳурмат-ли бош директоримизнинг ўзлари ки-риб келяптилар. Уримдан туриб одоб билан салом бердим.

— Табриклайман, укагинам, табрик-лайман! Чин юракдан табриклайман!

Худди шу ютуқни узим ютгандек суюн-дим!

Бошлик мени бағриларига босиб ас-тойдил қўтладилар. Шу пайт:

— Эҳ ҳужайин, мен ҳеч нарса ют-ганим йўқ, шунчаки... деб ҳазилимга нуқта қўймоқчи бўлдимю оқибатини уйлаб:

— Раҳмат, раҳмат, — деб миннатдор-чилик билдирдим. Шунда бош дирек-тор:

— Дўстларинг ювამиз, дейишаяпти.

Мен Эшмат билан Тошматни ошхонага

туйхонани эслатади. Бизни ҳамма қучоқ очиб кўтиб олди. Айниқса хотиним. Шун-доғам қаққон бўлиб меҳмон кўпятики, нақ Чарли Чаплиннинг ўзи, дейсиз. Юз грамм ичаман десам қадаҳни қўлимдан тортиб оладиган бу қизганим бугунги дастурхонга ичкиликнинг ҳамма туридан териб қўйибди. Мазага қилиб қайнатма шўрва билан тўйиб ичдик. Кейин кетга тепарни, э кечирасиз, паловхонтурани туширдик...

Ёлғиз қолганимизда хотиним сузилиб ёнимга келди. У қувонганидан гуё бўлбу-лигув бўлиб сайрарди. Мен эса қилиб қўйган қилигимдан қўрқаман. Оёқ-қўлим худди ёндафтарчамдаги номерни лоторея тиражига таққослаган ҳамкасбимникига ўх-шаб дир-дир титрайди.

Аҳолимини қўриб турган хотиним:

— Намунча ҳаяжонланасиз, дадажониси! Қаранг, бутун вужудингиз титраб кетяпти-я! Сал узингизни қулга олинг. Тагин эн-дигина оғзимиз ошга етганида... дедди бир сапчиб тушдим. Қўрққанга қўш қўри-нади, деб бежиз айтишмаган экан-да!

— Ана шунақа, — деб сузини давом эттирди хотинжоним. — Бахт қулиб бока-ман деса ҳеч гапмас. Шу жонивор маши-нани оламиз деб икки йилда қўйналиб-қўйналиб аранг 20 минг сум йиғувдик. Бир ҳисобда қўйналасам ҳам йиғиб тўри қилган эканмиз. Бугунги ювишга шундоқ етди қўйди!

— Войдо! Кафангадо бўлибман-ку, эн-ди бу ёғига тирикчилик нима бўлади, — деб бошимни чангаллаб турсам, хотиним:

— Дадажониси, уша машина чиққан ло-торейангизнинг ўзи қани, мен ҳам бир қу-райчи, ютуқ чиққани қанақа бўларкин, деб қолса бўладими? Нима дейишимни бил-май бир зум қотиб қолдим. Кейин узим-ни сал тўтиб олиб таваккалига:

— Ичкари уйдаги китоблар орасига қўйгандим, — деб юбордим.

Хотиним уридан даст туриб уша ич-ка-ри уйга кириб кетди. Мен шитоб билан қунага отилдим...

Мурод КАЛОНХОН

Учрашув

ҚЎШИҒИМ — ҚЎШИҚ...

Ойнаи жаҳон орқали узининг дилрабо қўшиқлари билан кўнғил-ларни сеҳрга тулдирувчи эстрада хонандаси Сайёрахон Қозиевани танийсиз. Мен бу ҳушовоз хона-дани, санъатини яхши кураман. Авваллари телевидение, радио-да сўрхонликларнинг «Шалол» фольклор-этнографик гуруҳи иж-росидаги концертлар берилса, уй-рузгорининг барча долзарб юмуш-ларини бир пасга ташлаб улар-нинг қўй-қўшиқларини мириқиб тинглаб-томоша қилардим.

Сайёрахон яқинда таҳририяти-мизнинг меҳмони бўлди. У Бойсунда яшаган вақтидаёқ халқ терма қўшиқларини маромига ет-казиб қўйлаши билан элнинг на-зарига тушганди. Кейинчалик Сайёранинг аjoyиб қўшиқлари дасталанган фильм-концерти на-мойиш этилди. Ана ушунда... Сайёрани фақат фольклор қўшиқ-чи сифатида таниганлар ҳайратдан лол қилишди. Бу фильм кўп сон-ли томошабинларга хонандани янада яқиндан таништирди.

Сайёрахон билан суҳбатимиз ҳам халқ қўшиқлари ҳақида бўл-ди. Айнан шу мавзуда қизгин суҳ-батлашдик. Бу ҳақда хонанданинг ўзи шундай дейди:

— Биласизми, хорижга концерт қўйиш учун бораётган ҳофизлари-миз кўпроқ замонавий услубдаги бақир-чақирга бой бўлган қўшиқ-ларни танлашди. Бу нотўғри ме-нимча. Туркияда концерт берга-нимда бунинг гувоҳи бўлдим. Эс-трада қўшиқларимдан сўнг халқ қў-шиқларимдан иккитасини қўла-дим. Гўлдўрос қарсақлар бўлиб кетди. Кейин ана айттиришди. Уша қўни узим билган барча ха-лқ термаларини саҳнада қўла-дим. Шунда мен мўмтоз қўшиқлар орадани йиллар ўтса-да қийматини йўқотмаслигини англадим. Бегона юрт одамларига классик, фоль-клор, қўшиқларимиз маъқул бул-ганлигидан фахрландим.

— Сайёрахон, қўшиқларни ха-лқнинг дилига яқин қилиб айта билиш хонанданинг ижрочилик маҳорати ва хатти-ҳаракатларига ҳам боғлиқ эмасми?

— Менимча ҳам шундай бўлса керак. Лекин қўшиқчиларнинг саҳ-нада узини туттиши ҳар хил-да. Биров қулиб, биров жиддий ҳол-да санъатини намойиш қилади.

Менга келсак... Қўшиқларимга мос рақс ҳаракатларини қиламан. Фақат қўшиғим билан уйғунлаш-са, бир-бирини тулдирса, маъно жиҳатдан бойиса... Шуҳ оҳангга жиддий ҳаракат ярашмагани каби жиддийликка шўхчанлик тўғри келмасди-да.

Шу ўринда бир воқеа эсимга тушди. Бир кўни ҳовлини тўл-дириб ўйнаётган қизчаларимдан биттаси ўртага тушиб олиб қў-шиқ айтаяпти...

Қўшиғим-қўшиқ, томоғим

тешик,

Қулча бермасангиз

айтмайман қўшиқ...

Қизалоқ Сайёрага ўхшаб рақс тушар, сузаларини ҳаракатларига мос қилиб айтарди. Фольклор-э-тнографик қўшиқларнинг мафтуни бўлганим боис уларнинг «конце-рт»ларидан анча хурсанд бўлдим. — «Халқлар дўстлиги»да кон-церт бердингиз, кўп хонанда-ларнинг бунга юраги дов бера-вермайдими...

— Очиғини айтсам, менда ҳам иккиланиш, озроқ қўрқув бўлди. Шунда умр йўлдошим Илхомжон акам «Иккиланиш керак эмас, ҳаммаси яхши бўлади, агар минг-та томошабин келса ҳам барибир концертни қўямиз», — дедилар. Бундан мен руҳландим. Уша қў-ни томошабинлар нафақат зални тўлдириб ўтиришди, бизни гул-ларга буркаб ташлашди. Ҳозир эсимдангаги масъулиятни кўпроқ ҳис қилаёман. Сабаби бу галги концерт, аёвалгисидан мутлақо янги ва бошқача бўлиши керак-да. Ҳозир Илхомжон акам билан янги қўшиқлар устида ишлаяпмиз. У киши қўшиқларимга қўй баста-лайдилар.

Ҳа, оила аъзолари бир мақсад йўлида интилар эканлар, кўп ютуқларга эришиши табиий. Ои-ласи тинч одамнинг иши барака-ли бўлади. Бу ҳақда Сайёра шун-дай дейди.

— Оиламиз учун вақтим кам-роқ. Шундай бўлишига қарамас-дан икки ўғлим, уй-ишлари учун вақт топишга ҳаракат қиламан. Саришта уйни ёқтираман.

Оилавий бахтдан масрур бу аёлнинг қўшиқларига юксак пар-возлар тилаб хайрлашдик.

Басира САЙИД АЛИ



Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 18.30.

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - яқка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0261
21317 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Босиш эркин нархда.
Навбатчи Музаффар МИРЗО

Шioriимиз:

Оила - жамият фахри